Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 135 (7876). ● 20 июль, 1982 йил ◆ СЕШАНБА ● Баҳоси 3 тийин.

СУВЧИ

Фараз қилинг авжи йиғим-терим қизиган палла. Ғуза тупларидаги бодроқдек очилиб турган пахталар кўзни қамаштиради. Сиз ҳам беихтиёр эгат оралайсиз. Бирикки кўсак пахта қўлингизга тўлиб чиқади. Ҳосил мўл. Дала гвардиячилари, кўп минг килограммчи теримчилар қувона-қувона меҳнат қилишяпти. Отасига раҳмат деҳқоннинг пахтаси ғозли экан, баракали экан, дейсиз.

Ғозли пахта—бу чигити тўқ, толаси пишиқ пахта дегани. Бунда ҳамма қатори сувчининг хизмати катта бўлган. У ғўзани вақтида суғориб, оби-ҳаётга қондирган, механизаторлар билан ҳамкорликда бамаслаҳат ишлаб, қатор ораларининг доимо юмшоқ ҳолда, бегона ўтдан ҳоли бўлишни таъмин этган. Шунинг учун ҳам ғўзалари дуркун бўлиб ўсган, гул шонага эрта кирган. Кўсакларн тўлишиб, тез семирган.

Дарҳақиқат, ҳар йили «оқ олтин»дан уюлаётган тоғтоғ хирмонларда фидокор деҳқон сувчининг роли беқиёс каттадир. Шунинг учун ҳам халқимиз уларни ардоқлаб, ҳосил заргарлари, деб таърифлайди. Тажрибакор, ишнинг кўзини билган сувчи ҳеч вақт об-ҳаводан ноликмайди. Ақл-идрок билан иш юритади. Ҳар қандай шароитда ҳам ғўзасини қондириб суғоришга эришади. Бундай миришкор сувчилар бизда оз дейсизми? Улар ҳар бир районда, колхозда, совхозда меҳнат қилишяпти.

— Ҳар томчи сув ҳисобда, — дейди Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг моҳир пахтакори, уста сувчиси Нурилла Чиндавлатов. — Агар сувдан оқилона фойдалансангиз, ғўзангиз кунда яшнайверади. Озгина бепарволик қилинса борми, яшнаб турган ғўзани ҳам чанқатиб қўйиш мумкин. Биз бунга асло йўл қўймаймиз. Мен сувчини оналаримизга қиёс қиламан. Она ўз фарзандининг ҳатти ҳаракатидан имо-ишорасидан, унинг мақсадини дарҳол англаб олади. Сувчи ҳам худди шундай. У ғўзасининг ранги-рўйи, ҳолатига қараб қачон сув бериш лозимлигини аниқ белгилайди. Вақтни бой бермайди. Тобида берилган сув ғўза танасига қон бўлиб сингади. Озуқани тез ҳазм қилишига ёрдам беради.

Моҳир пахтакорнинг даласида бўлган киши уларнинг сўзи билан иши бир эканлигининг гувоҳи бўлади. Карталардаги ғўза туплари бир текис ривожланмоқда. Ҳар тупда 3—4 тадан кўсак бор. Улар областимизнинг илғор пахтакорлари ташаббусига қўшилиб, ҳосилдорликни ўтган йилдагига қараганда 5—6 центнерга ошириш учун курашмоқдалар. Ҳар бир литр сувдан тежаб-тергаб фойдаланмоқдалар.

Оққўрғон, Ғалаба, Бўка районларида ҳам шу кунларда ғўзани суғориш намунали ташкил этилган. Ҳар бир колхоз ва совхозда сувнинг тақсимоти, ундан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилувчи махсус штаблар ишлаб турибди. Штаб аъзолари эрта тонгдан далада бўладилар. Картама-карта юриб, суғоришнинг сифатини текширадилар. Қимматли маслаҳатлар берадилар. Йўл қўйилган камчиликларни тугатишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади ва бу тадбирларнинг сўзсиз амалга оширилиши учун курашилади.

Шу кеча-кундузда областимиз далаларида 15630 дан ортиқ сувчи меҳнат қилаяпти. Ҳа, ҳозир ҳосил тўплашда ва ҳосилга- ҳосил қўшишда сувчининг роли каттадир. Шунинг учун ҳам илғор районлар ва хўжаликларнинг тажрибаси асосида ғўзани суғоришга эътиборни кучайтириш зарур.

Ўтган йилдагига қараганда сув танқис бўлган бу йилги шароитда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш ғоят муҳим вазифадир. Афсуски, айрим районлар хўжаликларида бу масалага етарли эътибор берилмаяпти. Ғўзани чанқатиб қўйиш ёки қўллатиб суғориш ҳоллари ҳам учраб турибди. Оқова сувлари исроф бўляпти. Айрим жойларда қўшимча сув манбалари қудуқлар, насос станциялари қувватидан яхши фойдаланилмаяпти. Бундай камчиликларга тезда барҳам бериш керак. Хўжалик раҳбарлари, мутахассислар колхоз ва совхозларда мавжуд сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланилиш устидан назоратни кучайтиришлари лозим.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари ҳар куни белгиланган миқдорда сувчиларнинг далага чиқишини таъмин этишлари керак. Айниқса, тунда суғоришга эътиборни кучайтириш лозим. Илғор ва тажрибакор, мусобақада ғолиб чиққан сувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг энг илғор самарали усулларини ишлаб чиқиб, амалда жорий этиш лозим. Ғўзанинг чанқатиб қўйилиши ёки бостириб суғорилишига йўл қўйганларга нисбатан қатъий чора кўрилиши керак.

Яқинда область қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда КПСС Марказий Комитети май Пленуми, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленуми қарорлари асосида 1982 йилда олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан областимиз қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдида турган вазифалар яна бир бор, атрофлича муҳокама этилди. Кенгашда сўзга чиққан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов областимиз пахтакорлари ишига, Тошкент технологиясига ҳар галгидек бу гал ҳам катта баҳо бердилар.

Бу технологияни янада такомиллаштириш, мўл, сифатли эртаги пахта етиштириш вазифалари бирма-бир кўрсатиб ўтилди. Тошкент технологияси—бу юқори ҳосил олиш, эртаги пахта етиштириш, сифатли пахта етиштириш, қўл меҳнатини қисқартириш, комплекс механизацияни тўлиқ жорий қилиш эканлиги, алоҳида таъкидланди.

Деҳқонларимиз таъбири билан айтганда ҳозир ғўза парваришида долзарб кунлар бораяпти. Ғўзанинг елкасида юки кўп. У кечасию-кундузи ишлаяпти. Ҳар 3—5 кунда биттадан кўсак оляпти. Шунинг учун ҳам ғанимат кунларнинг қадрига етиш, ғўза парваришини кучайтириш лозим. Ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсишига эришайлик. Бунинг учун эса ери ҳамиша юмшоқ, бегона ўтлардан тоза сақлаш талаб этилади.

Бу вазифа сувчилар зиммасига катта масъулият юклайди. Ғўза суғорилгач, намни ушлаб туриш, қўшимча тадбирлар амалга оширилмоғи лозим. Сувчи ва механизатор ҳамкорлиги муваффақият гаровиндир. Қатор ораларига сув қўйилгач, ер етилиши билан дарҳол сифатли культивация ўтказилмоғи керак. Агар ер юмшоқ ҳолда сақланса — бу рекорд ҳосилнинг калитидир.

Айрим ерларда ғўзани шарбат усулида озиқлантиришга яхши эътибор берилмаяпти. Бу мутлақо нотўғридир. Ваҳоланки, имконият бор. Маҳаллий ўғитлар етарли. Бу ўғитларни тезда шарбат қилиб оқизиш лозим. Ана шунда ҳосилга ҳосил қўшилади. Кўсаклар кўпаяди. Эрта етилади.

Пахтакорларимиз учун ҳар дақиқаси олтинга тенг дамлар ўтиб бораяпти. Далаларда меҳнат авжида. Ғўза туплариданги гул ва шоналар, кўсаклар кўзни қувонтиради. Зиммага олинган юксак социалистик мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган ҳосил етилмоқда. Фурсат—ғанимат. Ғўза қатор ораларига ишлов беришни, айниқса, суғоришни намунали ва сифатли олиб бориш шу кунниг муҳим вазифасидир.



СССР 60

Сайдулла ака етти ўлчаб бир кесишни яхши кўради. Мана бугун ҳам у эрта тонгда далага келиб эгатларга сувни тараб чиқди. Тушга томон эса карталарни бирма-бир айланишга киришди. Ишнинг боришн яхши. Сув эгатларда бир меъёрда жилдираб оқмоқда. Оқова сувн ҳам зое кетаётганн йўқ.

Пискент районидаги «Пискент» совхозининг ўртоқ У. Аҳмедов бошлиқ бригадаси далаларида шу кунларда иш қизғин. Ҳар гектаридан кам деганда 43 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган миришкорлар ғўза парваришини агротехника талаблари асосида сифатли олиб бормоқдалар.

Сўзи билан иши бир Сайдулла Аҳмедов ғаниматфурсатдан унумли фойдаланиб, зарбдор кунларда зарбдорчасига меҳнат қилаётир. Суратда: илғор сувчи С. Аҳмедов.

А. Мальцев фотоси.

ОТАМ ТОНГДАН ЭГАТ ОРАЛАР

Ғўза гулга кирди — баҳорги орзу,
Қуёш нурларига чайди яроғин,
Эртанги покиза умидга кўзгу—
Табассуми бўлиб сахий тупроқнинг.

Ҳаприқиб кетаркан қўнгил қурмағур,
Ёшликнинг завқлари бошлар ҳаяжон.
«Чирқ» этган қушчанинг кўзларида
нур,
Ғўза баргларида ўйнар саратон...

Қовжираб қайтади майсалар дами,
Сарғайган баргларда олтин
шуъалар...
Уфққа туташиб осмону замин,
Тўлганиб ётибди сўнгсиз далалар.

Отам тонгдан шунда...
Эгат оралар.
Ҳар ғўза баргига меҳр яшириб,
Кумуш соқолида қурум-қоралар...

Ҳар гул кўзларини қўяр шошириб,
Ҳайратдан кўксида типирлар туғён,
Эшитиб ҳар гулнинг нафас олишин.
Шундай наҳорларни қаршилаб
шодон,

Ҳаётн наҳордай безовта, жўшқин...
Тонги шабнамларда ёшлиги қолган,
Далаларда кўклам, севги, ташвиши...
Уйган хирмонлари толедек улкан,

Кулган юзларида қуёш балқиқн.
Кун ҳам қайтаётир ёниб анёда,
Алвон ёғдуларин қориб тупроққа.
Толнинг оғушида ётган шаббода,

Райҳон бўйларини урар димоққа.
Шийпон бурчагида ўчоқ ловуллар,
Қоқигул юзида оқшом салқини.
Дала ортидаги сой ҳам шовуллар,

Яшил пахтазорни сийпар тўлқини.
Отам эса ҳамон ғўзалар аро,
(Ясаб олган каби шунда тахт атай)
Бахтига топиниб турарди гўё,

Чаноғидан тошиб чиққан пахтадай.
Яктагин тортқилар шамол энтикиб,
Сойга тўкилади шафақ бўёғи.
Бу олов чўғига нигоҳин тикиб,

Кузги хирмонларни салмоқлар, чоғи?
Салмоқлар бахтини,
Ёзиб кенг қулоч.
Хирмондек юксалиб, знёга тўлиб,

Замин оғушида яйраган қувонч —
Жоним, Ўзбекистон—деҳқоним
қулиб...

Абдулҳай НОСИРОВ.

ЯШНАЁТГАН ДАЛАЛАР

«ДАЛВАРЗИН» совхозида Акрамбой акани танимайдиган одам йўқ. Сувчи, механизатор — ҳамма уни устоз, деб атайди. Сабаби — Акрамбой ака Саидов, қариб, 37 йилдан буён сувчилик қилади. Сой ва ариқлардаги сувнинг оқишидан тортиб, оқаванинг қуйилиш жойигача билади. Совхозининг 2750 гектарлик пахта майдонини кадамлаб, ўлчаб чиққан. Пайкалларнинг нишоби, соз тупроғи-ю, захкаш жойи унга беш бармоғидай маълум. Сув камчил ва сероб келган йилларни кўп бошдан кечирган. Аммо, ҳар доим тадбиркорлик билан иш тутиб, экинни сира чанкатмаган. Бу миришкор сувчи меҳнат фаолияти даврида элликдан зиёд шогирд тайёрлади.

Акрамбой ака айни кунларда 3-бўлим далаларида ғўзаларни қондириб суғориб, пахтадан юқори ҳосил етиштиришга катта ҳисса қўшяпти, шогирдлари эса у билан ёнма-ён туриб, фидокорона меҳнат қилишяпти.

Мана, бўлимдаги Умарали Султонов бошлиқ пахтачилик бригадасининг унумдор далалари. Ёш ниҳоллар барқ уриб ўсяпти, шода-шода шоналар гулга айланяпти. Акрамбой ака билан эгат оралаб юриб суҳбатлашдик.

— Сув — ғўзанинг қони, — дея гап бошлади тажрибали сувчи,— у экинни ҳам бўйига, ҳам энига ўстиради, шохлар, барглар ривожини тезлаштиради, барвақт ҳосилга киритади, шона, гул, кўсакларни кўпайтириб, тўкилишдан сақлайди. Сувга қонган ғўзанинг кўсаклари салмоқдор, чигити мағизли бўлиб, пахтаси тарози босади. Сортининг паст — юқори бўлиши ҳам кўп жиҳатдан сувга боғлиқ. Шунинг учун ҳам уста сувчилар ғўзани ёшлигидан қондириб суғорадилар. Тўғри, ғўзани серҳосил қилиш учун сувнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун ўғит, ҳаво, ёруғлик, иссиқлик ҳам керак. Аммо бу тадбирлар амалга оширилса-ю, сувга қонмаса, кутилган ҳосилни олиб бўлмайди. Сув — ғўзанинг қони дейилишининг боиси ҳам шунда.

Акрамбой ака ўқариқлан лиммо-лим оқаётган сувни эгатларга тараб қўйибди. Сув жилдираб оқяпти.

— Ердан нам қочгач,— гапини давом эттирди сувчи, — оқибатда ғўза чанқаган. Бундай пайтда жуда хушёр бўлиш керак. Чунки, тупроқ сувга ғарқ бўлгандан кейингина намни ўсимлик илдизига ўтказади. Шунинг учун ғўза чанқовини бостириш учун сувни эгат орасига бош бармоқ ҳажмида жилдиратиб қўйиш керак. Ҳар қандай шароитда ҳам сув эгат орасида кеча-кундуз оқсин. Шунда сув яхши сингиб, тупроқ қоп-қора тусга киради.

Баъзан бир пайкалда, ҳатто бир қаторда бир неча хил бўлган, яъни баланд бўйли, бўғини узун-қисқа ғўзаларни кўрамиз. Бу экиннинг сувга қонмаганлиги аломатидир. Ғўзани бир маромда қондириб суғориш лозим. Шунда у бир текис ўсиб, кўп ҳосил тўплайди. Машина терими авж олдирилаётган ҳозирги шароитда бу алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ҳа, Акрамбой ака сувчиликда орттирган бой тажрибаси бўлимда пахта етиштиришни кўпайтиришга кўл келяпти. Бу ҳақда у ишлаётган бригада етакчиси Умарали Султонов шундай дейди:

— Акрамбой аканинг меҳнатидан бениҳоя миннатдормиз. У киши бизга бор билим ва тажрибаларини доимо ўргатиб келяпти. Бу йил биз мавжуд 110 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан камида 40 центнердан «оқ олтин» етиштиришга қатъий қарор қилганмиз. Албатта, бу юксак мажбуриятни Акрамбой ака сингари фидокор деҳқонларимиз меҳнатига таяниб олганмиз. Шу кунларда далаларимизда ана шу мажбуриятга яраша меҳнат қилинмоқда. Бир текис ундириб олинган ғўзалар баравж ривожланмоқда. Дастлабки экилган майдонлардаги ғўзалар гулга кирди. Акрамбой ака шогирдлари Абдурасул Усмонов, Тожибой Усановлар билан биргаликда ғўза қатор ораларига оби-ҳаёт оқизишмоқда. Уларнинг ҳар бири кунига 0,6—0,7 гектар майдондаги ғўзаларни сувга қондиришяпти.

Қ. РАҲМОНБЕРДИЕВ,
А. БОБОНАЗАРОВ,
Бекобод райони.

ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛАДИ

Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозининг 1-бўлими деҳқонлари ғўзани минерал ўғит билан озиқлантиришни тугалладилар. Усимликлар ўғитлантириш йиллик нормасини энг мақбул агротехника муддатларида олди. Бу эса «оқ олтин»ни етиштиришнинг Тошкент технологиясида кўзда тутилган.

Мазкур бўлим меҳнаткашлари ғўза парваришини энг яхши муддатларда ва юқори сифатли ўтказишга оид барча ишларни ўзларига қонун қилиб олдилар. Бригада аъзолари бу йил ҳар гектар майдондан 50 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Бу пландагидан 12 центнер кўпдир. Ҳозир бўлим далаларида ғўзалар жадал ривожланмоқда. Ҳар тўп ўсимликда бештадан шона пайдо бўлди. Бу ҳосил мўл бўлишини, шу билан бирга анча эрта етилишини ҳам таъминлайди.

Э. Абдуллаев ва С. Шералиев бошлиқ звенолар парвариш қилаётган далаларнинг ҳолати аъло даражада. Бу ерда сувчилар, механизаторларнинг меҳнати аниқ-пухта ташкил этилган. Ғўзалар қисқа жўяклар бўйлаб кеча-кундуз давомида суғорилмоқда, маҳаллий ўғитларден кенг фойдаланилмоқда. Айрим участкаларга — 60 тоннадан минерал ўғит солинади.

Совхоз пахтакорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 4 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнер «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олдилар.

(ЎЗТАГ мухбири)

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ТАШАББУСГА ҚЎШИЛИБ

Ўртоқ Василий Ким бошлиқ 9-бригада аъзолари ҳар йили пахтадан мўл ҳосил етиштирадилар. Бу йил ҳам бригаданинг азамат деҳқонлари ташаббускорлар сафига қўшилиб, 106 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин», 62 гектар капоснинг ҳар гектаридан 220 центнердан ҳосил етиштириш учун курош олиб бораяптилар.

Ҳозирги кунларда экинларга ишлов бериш зўр уюшқоқлик билан олиб борилаётир. Дала ишларида Зебинисо Муродова, Ўлмас Турманова, Қобил Ражапов сингари комсомол-ёшлар кундалик нормаларини ошириб адо этишиб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

М. ҲАСАНОВА,
Коммунистик райони «Ўзбекистон» колхози.

ҚИССАСИ КАТТА

«ЛЕНИНИЗМ» колхозининг Анорбой Утепов бошлиқ 2-бригадаси азаматлари юбилей йилида ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта етиштиришга аҳд қилишган.

Далаларда олинган юксак социалистик мажбуриятга яраша ҳосил тўпланмоқда. Ҳозиргача ғўза қатор ораларига уч марта комплекс ишлов берилди. Культивация ва суғоришда сифатга алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳар туп ғўзада 2—3 та кўсак кўзга ташланмоқда.

Бунда механизаторлардан Мурод Марҳабоев, сувчилардан Даврон Умаров, Аҳмад Хўжамқулов, Умар Тангрибоев каби ўртоқларнинг қиссаси катта бўлаётир.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон райони.

ОЛМАЛИҚ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

19 июлда Олмалиқ шаҳар партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди.

Пленум В. М. Муҳамедовни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси вазифаларидан озод қилди.

Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлаб келган М. М. Орифжонов Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Антонов, Тошкент область партия комитетининг секретари Ф. Г. Потуремский иштирок этдилар.

ЛИВАНДАН ҚЎЛИНГНИ ТОРТ!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ

Ливандаги хунрезлик давом этмоқда. Ҳар куни Исроил босқинчиларининг фаластин ва ливан халқларига нисбатан қилаётган ваҳшийликлари тўғрисида мудҳиш хабарлар келиб турибди. Ҳозирнинг ўзида ўнлаб минг кишилар бу агрессия қурбони бўлдилар.

Исроиллик каллакесарлар худди фашистлардек Ливандаги тинч аҳоли—хотин-қиз ва қарияларни, болалар ва ғўдакларни қиришни давом эттиришяпти. Жаҳон маданиятининг ноёб ёдгорликлари оёқ-ости бўлмоқда. Ливаннинг кўҳна шаҳарлари Тир, Сайда, Набатия босқинчилар томонидан вайроналарга айлантирилди. Мамлакат пойтахти Байрут ҳам бир неча ҳафтадан бери уруш алангаси билан қопланган. Сионист босқинчилар шаҳарни бетўхтов ўққа тутиб, бомбардимон қилиб, кўҳна Байрут аҳолиси бошига жуда катта кулфатлар солмоқда.

Ливанга бостириб кирган исроилликлар энг даҳшатли, қирғин келтирадиган замонавий қурол-яроғларидан фойдаланиб, ажал уруғини сочмоқдалар. Агрессор бу ваҳшийликларни ҳомийси — Америка Қўшма Штатига таяниб қилмоқда. Исроил босқинчиларини қурол-яроғ билан таъминлаётган, унинг урушқоқлик сиёсатини қўллаб-қувватлаётган америкаликларнинг Ливанда рўй бераётган жиноятларда айблари катта.

Биз, Тошкент область тинчлик тарафдорлари агрессорларнинг жинояткорона режаларини барбод этишни, босқинчиларни Ливандан чиқиб кетиш учун мажбур қилишни талаб этамиз. Ливандаги ва айниқса унинг пойтахти Байрутдаги вазият ғоят кескинлашганлиги муносабати билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШ президенти Р. Рейганга мурожаатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз. Мурожаатда таъкидланганидек, бугунги кунда Ер юзидаги биронта ҳам софдил киши Ливанда Исроил босқинчиларининг қўлида ҳалок бўлаётган одамларнинг даъватларига бепарво қараб тура олмайди.

Совет кишилари агрессорнинг жаллодлик ва хунрезликларини ғазаб билан қоралайди. Исроил босқинчилари ўз озодлиги ва мустақиллиги учун мардона кураш олиб бораётган фаластин халқи ва ливанликларни йўқ қилиш мақсадида геноцид жиноятини тўхтатмаяпти. Улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарорларини ҳам оёқ-ости қилмоқдалар, бутун ер юзидаги эркпарвар, тинчликсевар халқларнинг даъватларини назар-писанд қилмаяптилар.

Биз, тинчлик тарафдорлари Фаластин озодлик ҳаракати ва Ливан миллий-ватанпарвар кучларини қўллаб-қувватлаймиз.

Биз Исроил қўшинлари Ливан территориясидан тезда олиб чиқиб кетилишини талаб этамиз.

Биз Исроил ҳарбийларининг Ливандаги қонли жиноятларини текшириш бўйича зарур чоралар кўрилишини талаб қиламиз. Бу жиноятлардан биронтаси жазосиз қолмаслиги зарур.

Биз Исроил босқинчиларидан «Ливандан қўлингни торт!» деб талаб қиламиз.

Биз Яқин Шарқда мустаҳкам ва адолатли тинчлик ўрнатилиши тарафдоримиз.

Тошкент область тинчлик тарафдорлари активи номидан:

М. ИСМАТОВ — Янгийўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

М. ИСОҚОВА — Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхози сут соғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

М. КОМИЛОВ — республика врачлар малакасини ошириш институтининг кафедра мудири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

Иброҳим РАҲИМ — Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Т. РАЖАБОВ — қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи область комитетининг раиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

Н. П. РОМАНЕНКО — «ЧарвакГЭСстрой» коммунистик меҳнат бригадасининг бошлиғи.

О. СОДИҚОВ — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

С. ҚОСИМОВА — Тошкент медицина институти кафедра мудири, техника фанлари доктори, профессор.

Д. ҚУЛМАТОВА — Тошкент тўқимачилик комбинатининг тўқувчиси, СССР Олий Советининг депутати.

● «ПЛАКАТ» нашриётининг «Ливандаги геноцид тўхтатилсин!» плакати. ТАСС фотохроникаси.

СССР нинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта!

37-ҲАФТАЛИК СОВЕТ ЛИТВАСИГА БАҒИШЛАНАДИ

РАҚАМЛАР МАЗМУНИ

● Литва территорияси — 65, 2минг квадрат километр. Аҳолиси 3 миллион 475 минг киши.

● Совет ҳокимияти йилларида республикада 220 тадан кўп катта-катта корхоналар қурилди. Бутун 1940 йилда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти бир ҳафтада тайёрланмоқда.

● Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ҳажми урушдан аввалги йилларга нисбатан икки баравар зиёд, шу жумладан чорвачилик маҳсулотлари 2,5 баравардан зиёд кўпайди.

● Мамлакатнинг олти мингга яқин фабрика ва заводлари иттифоқдош республикаларга саноат маҳсулотлари юбориб турибди.

● Совет ҳокимияти йилларида республикада олий ва ўрта махсус таълим олган мутахассислар сони 17,5 баравар кўпайди. Ўқитувчилар сони қариб 6 баравар, ўрта медицина ходимлари сони 15 баравар кўпайди.

● Совет ҳокимияти йилларида республика картасида ўнлаб янги шаҳарлар ва посёлкалар пайдо бўлди. Янги Акмяни катта саноат маркази бўлиб қолди. Бу ерда цемент тайёрланади, Электренайда В. И. Ленин номидаги Литва ГРЭСи қурилди. Ишчиларнинг янги посёлкаси Снечкусда қурувчи — энергетиклар ҳамда Игнали атом электростанциясининг бўлғуси ишлатувчилари шаҳри қад кўтармоқда.

● СНЕЧКУС — республикадаги энг ёш шаҳардир. Бу ерда Игнали атом электростанцияси қурувчилари яша шади.

ЯГОНА ОИЛАДА

Халқ ҳозир ҳам «Литва будўнги» деб атайтган шифра Саломия Нерис жонажон ўлкани заррин нурли қаҳрабо деган эди. Дарҳақиқат, Советлар оиласига қўшилган Литва қардош республикалар қаторида худди қуёш тошидек порлади.

Катта авлодга мансуб кишилар 1940 йил август кунини ҳеч қачон унутмайдилар. Ўша пайтда литваликларнинг нигоҳи Москвага қаратилганди. Ўша ерда, буюк мамлакат юраги — Кремлда СССР Олий Советининг VII сессияси мажлис қиларди. Тарихий воқеа юз бермоқда эди: меҳнаткаш халқи эксплуататорлар асоратини улоқтириб ташлаган қўшниларимиз — Латвия ва Эстония билан бирга Литва ҳам ўзининг илтимосига кўра Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига қабул қилиб олинди.

Ўшандан бери йиллар ўтди — бу тарих учун ниҳоятда катта давр эмас. Лекин шу вақт ичида юз йилликларга баравар йўл босиб ўтилди.

Совет ҳокимияти йилларида Литва катта илмий-техник ва маданий потенциалга эга бўлган, юксак даражада ривож топган саноат-аграр республикаси бўлиб қолди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 61,3 баравар, электр энергияси ҳосил қилиш 130 баравардан зиёд кўпайди. Қишлоқ хўжалигининг тараққиётида ҳам туб ўзгаришлар юз берди. У юксак даражада механизациялашган ихтисослашган тармоқ бўлиб қолди. Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш икки баравар кўпайди.

Совет Литвасининг меҳнаткашлари социалистик Ватаннинг барча халқи билан бирга бутун куч, иқтидор ғайратларини мамлакатимизнинг иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалини мустаҳкамлашга сарфламоқда. Меҳнат коллективлари КПСС XXVI съездининг қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва тавсияларини амалга ошира бориб ўн биринчи беш йиллик тошириқларини муваффақиятли бажармоқда. Коммунистлар социалистик мусобақа иштирокчиларининг биринчи сафларида бормоқдалар.

1981—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда СССР-ни иқтисодий ва социал ривожлантириш Асосий йўналишларида қурилиши кўзда тутилган объектлар юксак суръатлар билан бунёд этилмоқда. Бутун мамлакат Литва атомграли — Игналин атом электростанциясини қуришга ёрдам бермоқда. Бу ерда бир ярим миллион киловаттли биринчи реактор монтаж қилина бошлади. Бошқа бир Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши — Можайск нефтни қайта ишлаш заводини ҳам бутун совет халқи бир ёқадан бош чиқариб бунёд этмоқда. Уни Озарбайжон, Белоруссия, Бошқирдистон вакиллари, Москва ва Ленинграддан келган монтажчилар маҳаллий мутахассислар билан ёнма-ён туриб қурмоқдалар.

Ҳаётнинг ҳар бир соҳасида қардошларча ўзаро ёрдам, — кооператив бўлиб зўр ғайрат билан меҳнат қилиш яхши самара бермоқда. Советлар ҳокимиятигача литваликлар асосан деҳқончилик билан шуғулланардилар. Улар кулак ва помешчиклар учун меҳнат қилиб ўзлари очин-юпин яшардилар. Хонавайрон бўлган хуторликларнинг минглаб хўжаликлари ким ошди савдоси билан сотиб юборилди. Деҳқонлар бир парча нон излаб шаҳарли ишсизлар кетидан чет элларга жўнаб қолардилар. Лекин улар океан ортидан ҳам бахт топа олмадилар.

Бир вақтлар хонавайрон бўлган кишилар ташлаб кетган жойларни энди таниб бўлмайди. Ўтмишнинг оғир мероси — хутор системаси ҳам йўқолиб бормоқда. Кейинги ўн беш йилнинг ўзидагина 91,5 мингта хутор бузиб ташланди. Ажойиб шинам посёлкалар қурилди,

Меҳнат ғалабаси — давлатга асосий экин маҳсулотларини сотиш юзасидан 1981 йил план ва социалистик мажбуриятлари муваффақиятли бажарилиши муносабати билан ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрикномасини Литва меҳнаткашлари баланд руҳ билан кутиб олдилар.

Чорвачиликни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар ҳам кишини қувонтиради. Ҳозир Совет Литвасида юз гектар қишлоқ хўжалик ерда 162,7 центнер ғўшт ва 693,9 центнер сут етиштирилмоқда. КПСС XXVI съезди талабларига мувофиқ республикада жамоат сектори хўжаликларини ривожлантиришни янада интенсивлаш чоралари системали амалга оширилмоқда. Шахсий ердамчи хўжаликларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида катта ғамхўрлик қилинмоқда. Бултур республиканинг колхоз ва совхозларида яшаётган ҳар бир оила давлатга тирик вазнда ўрта ҳисобда 282 килограммдан ғўшт ва ҳар бир сигирдан 1784 килограмм сут сотди.

Совет Литвасининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев қилган докладда баён этилган таклифлар ва хулосаларни бутунлай ва тўла-тўкис маъқулладилар. Республика партия, давлат ва хўжалик органларининг, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш, партия аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш борасидаги фаолиятига шу таклифлар ва хулосалар асос қилиб олинади.

Литва табиатида ҳом ашё ресурслари оз бўлсада, лекин бу унинг иқтисодий тараққиётига тўсқинлик қилмаётир. Республика нимага муҳтож бўлса, иттифоқ интеграция планига мувофиқ шуларни мамлакатнинг бошқа иқтисодий районларидан олиб туради.

Литва халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида шундай буюмлар борки, идгари шу буюмларни ишлаб чиқариш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмасди. Булар жаҳондаги энг яхши намуналардан қолишмайдиган электрон-ҳисоб техника, алоҳида аниқ ишлайдиган станоклар ва приборлар бўлиб 85 мамлакатга, шу жумладан ГФР, Франция, Японияга экспорт қилинмоқда. Бу ерда Калининграддаги «Балтия» заводининг маркаси қўйилган катта-катта балиқ овлайдиган кемалар, сузадиган докларнинг макетлари ҳам турибди. Бир вақтлар овлоқ уезд шаҳарчалари эндиликда индустрия янги тармоқларининг марказларига айланиб, нақадар ўзгариб кетганлигини фотоҳужжатлар яққол кўрсатиб турибди. Шу билан бирга меъморларнинг куч-ғайратлари туфайли бу шаҳарчалар ўзига хослиги ва халқ архитектурасининг жамолини сақлаб қолди.

Литва халқи меҳмондўстлиги билан кўпдан бери машҳур. Чет элдан республикамизга яхши ният билан келувчиларни ҳам самимий қабул қилиб оламиз.

Советлар ҳокимияти йилларида республикада халқ зиёли кадрлари ўсиб етишди, янги инсон-ватанпарвар ва интернационалист шаклланишига актив ёрдам берувчи маънавий бойликлар шу зиёлиларнинг ақл-заковати билан бунёд этилмоқда. Эндиликда Литва ССР Ёзувчилар союзи 193 кишини, Композиторлар союзи 95 кишини, Рассомлар союзи 669 кишини бирлаштирган. Бошқа ижодий союзларда ҳам кўплаб истеъдодли усталар бор. Адабиёт ва санъат арбоблари халқ анъаналаридан ижобий фойдаланиб ва уни ривожлантира бориб, анчагина ёрқин, сермазмун асарлар яратдиларки, булар кўпчиликка манзур бўлмоқда. Бу кишини, айниқса, қувонтиради. Ленин мукофотининг лауреатлари ёзувчилар Эдуардас Межелайтис ва Ионас Авижюснинг, ҳайкалтарош Гедиминас Йокубонисининг, архитектор Витаутас Чеканаускас ва бошқаларнинг ўзига хос ижоди кўп миллатли совет маданиятининг олтин фондига қўшилди.

Оммавий бадиий ижодиёт ҳам ривожланмоқда. Ҳозир Литвада минглаб бадиий ҳаваскорлик коллективлари бор ва улар 456 минг одамни кўп кишини бирлаштирган. Ҳар беш йилда республика қўшиқ ва рақс байрами ўтказилади. Буларда шаҳар ва район кўрикларининг ғолиблари қатнашадилар.

Совет Литвасининг меҳнаткашлари республикаларнинг социал иқтисодий ва маданий тараққиётда эришган ютуқларидан ҳақли равиҳда фахрланмоқдалар. Улар бу муваффақиятлар КПСС ленинчи миллий сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш, барча совет республикалари обҳаёт ёрдамларининг натижалари бўлиб, мамлакатнинг умумий мулкига айланганлигини яхши биладилар.

Совет Литвасининг эртанги куни — экономикани интенсив тараққиёт йўлига ўтказиб бориш, халқнинг фаровонлиги ва маданий турмуш даражасини муттасил оширишдан иборатдир. Унинг эртанги куни — КПССнинг жанговар отряди бўлмиш республика партия ташкилоти меҳнаткашларни партиянинг буюк режаларини бажаришга, ижодкорлик ва ташаббус билан виждонан меҳнат қилишга, иш самарадорлиги ва сифатини ҳамма чоралар билан оширишга, социализм ва тинчликнинг янги ғалабалари йўлида умумхалқ вазифаларини актив ҳал этишга сафарбар этиш юзасидан доимий олиб борадиган ишларидан иборатдир.

Совет кишиси — бунёдкор, ижодкор инсондир. Илмий коммунизмнинг ўлмас ғоялари порлоқ келажакни бунёд этишда унинг ҳамиша йўлчи юлдузи бўлиб келди, ҳозирда ҳам шундай ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Халқимизни бунёдкорлик ва бахт-саодат йўлидан дадил олиб бораётган Ленин партияси бунинг жонли ифодасидир.

(ТАСС).

● ВИЛЬНЮС давлат педагогика институти «Швиеса» ашула ва рақс ансамблининг қатнашчилари (чапдан ўнгга) Р. Стябрите, Д. Вонсавичюте, Н. Юкнайте, В. Гульевич ва А. Чумичев фотолари.

ТАСС фотрохникаси.

АБИТУРИЕНТ—82

ЯНГИ ИМТИЁЗЛАР

Абу Райҳон Беруний номли Тошкент политехника институтини бу йил 5 минг 600 га яқин йигит-қиз битириб чиқди. Бундан ташқари хорижий мамлакатларнинг 100 га яқин ёшлари ҳам турли соҳалар бўйича етук мутахассис бўлиб етишдилар.

Инженерлик касбига қизиққан ёшлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Ўрта мактабларни тамомлаган, ишлаб чиқаришда кўникма ҳосил қилган ва Совет Армияси сафидан қайтган кўплаб ёшлар институтга кириш учун ҳозир ҳужжат топширишяпти, консультацияларда қатнашиб, кириш имтиҳонларига қизғин тайёргарлик кўришяпти.

Бу йил абитуриентларга қандай қулайликлар ва имтиёзлар яратилган? Мухбиримизнинг бу саволига институт биринчи проректори, геология-минералогия фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби И. М. МИРХОЖИЕВ қуйидагича жавоб берди:

— Бу йил институтимизга 7 минг 800 нафар талаба қабул қилинади. Улар учун кириш имтиҳонлари давомида яратилган янги қулайликлар ва имтиёзлар республикамиз партия ва ҳукуматининг олий таълимни янада такомиллаштириш, ёш авлодга бўлган беқиёс ғамхўрлик тимсолидир. Биз кундузги факультетларга талабалар сонини бир мунча кўпайтиришни, яъни 4 минг 200 нафарга етказишни кўзда тутганмиз. Лекин кўпроқ эътиборимиз кечки ва сиртқи таълимга қаратилгандир. Сабаби ёшларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиши давр тақазо этган муҳим проблема бўлиб қолди. Машғулотлар Тошкентдаги 14 та факультетдан ташқари Наманган, Навоий, Самарқанд ва Жиззах шаҳарларидаги институт филиалларида ҳам олиб борилади.

Бу йил ҳар қачонгига қараганда чет элликлар учун қабул нормаси ҳам ортди ёки 41 мамлакатдан келган 135 нафар ўқувчини институтимиз ўз бағрига олади. 120 нафар ёш йигит-қиз эса институтнинг тайёрлов бўлимларига қабул қилинади.

Олий ўқув юртининг тайёрлов бўлимларида ўқиган ёшлар, кундузги бўлимда ўқиш учун имтиҳонсиз қабул қилинадилар. Шунингдек, кечки тайёрлов бўлимда ўқиганлар эса институтнинг кундузги, кечки ва сиртқи бўлимларига ихтиёрий суратда имтиҳонсиз ўтадилар.

Ҳарбий хизматдан запасга қайтганлар ёки саломатлиги юзасидан озод этилганлар ҳам, агар олий ва тўла бўлмаган олий ҳарбий маълумоти бўлса, ўқишга имтиҳонсиз киришлари мумкин. Шунингдек, ҳарбий хизматдан қайтган солдатлар олий ўқув юртига кириш учун ўзлари хизмат қилган қисм берган йўлланмага эга бўлсалар, барча кириш имтиҳонларини топширганлари ҳолда, конкурсда қатнашмай студентлик билетини олишлари мумкин.

Ўрта мактаб партасидан тўғри институтга йўл олган йигит-қизлар учун ҳам бу йил бир қатор имтиёзлар яратилди. Агар абитуриент ўрта мактабни муваффақиятли тугаллаб, фахрий ёрлиқ билан тақдирланган ёки ўқиш давомида турли фанлар бўйича ўтказилган олимпиадалар ва конкурсларда ғолиб чиққан бўлса, у барча кириш имтиҳонларини топширган ҳолда конкурссиз ўқишга қабул қилинади.

Маълумки, кейинги йилларда саноат корхоналарида рационализаторлик ва ихтиророчилик таклифлари билан чиқаётган ишчи-ёшлар сафи ҳам кенгайиб боряпти. Бундай йигит-қизлар орасидан авторлик гувоҳномасига эга бўлганлари кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб олсалар улар конкурс шартларидан ҳоли этиладилар.

Кириш имтиҳонлари даврида абитуриентлар учун яратилган янгиликлардан бири айрим фанлардаги мураккаб формулалар, теоремалар, масалаларга оид саволларнинг қисқартирилганидир. Масалан, математикадан интеграл ҳисоблаш функция лимитларининг назарий қисми, шунингдек, айрим шар ҳажми, сфера юзи каби формула ва теоремалар, физика фанининг оптик қисмидан эса сферик кўзгулар, кўзгу формулалари, тебранишлар ва тўлқинлар қисмидан эса тебранма ҳаракатга тегишли масалалар чиқариб ташланди.

Институтимизда ҳар йили ёрдамчи ишчилар ва абитуриентлар учун кириш имтиҳонлари бўлаётган фанлардан консультациялар ташкил этилган. Ўқиш орзуси билан келган ёшлар бундай имкониятлардан ҳам тўла фойдаланишлари мумкин.

ИХЛОСЛИ ЁШЛАРНИ КУТАМИЗ

Партия ва ҳукуматимиз совет кишиларининг турмуш маданиятини яхшилаш борасида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топшириб пайтида ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг актив йиғилишида сўзлаган нутқларида халқ хўжалигининг барча соҳалари, жумладан, маданий-оқартув муассасаларини юқори малакали мутахассис кадрлар билан таъминлаш масалаларига катта эътибор бериш зарурлигини алоҳида уқдириб ўтди.

Республикамиздаги энг кенжа олий ўқув юртларидан бири ҳисобланган Тошкент Давлат маданият институтининг коллективи ёшларнинг сиёсий-маданий онгини ошириш, келажакда малакали мутахассислар бўлиб етишишларида билим ва маҳоратларини аямаяптилар. С. Мирвалиев, М. Муродов, Н. Раҳимов, Г. Н. Чабров, А. Қосимова, Г. Жалолов, М. Туропов, Ш. Шамсиев, Б. Каримов, А. Кормилицин сингари фан докторлари, педагогларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Ҳозирги кунга келиб 5 факультетнинг учтасида кундузги, иккитасида сиртқи таълим жорий этилган. 1979 йилдан институтнинг Наманган филиали ҳам ишлаяпти. Келгуси йилдан эса филиал ўзининг биринчи қалдирғоч кадрларини ишлаб чиқаришга юборади.

Институтга қобилиятли ва ихлосли йигит-қизларни қабул қилиш юқори малакали маданият ходимлари тайёрлашнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Ҳозирги кунда институтимиз ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари бу масалани ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, катта тайёргарлик ишларини олиб бормоқдалар. Бир группа тажрибали педагоглар республикамизнинг область маданият бошқармалари, билим юртлари, мактаб ва техникумларида бўлишиб, институтимизда ўқишга аҳд қилган ёшлар билан қизиқарли суҳбатлар ўтказиб қайтдилар. Уларга турли мутахассисликлар бўйича методик йўл-йўриқлар кўрсатилди. Бу иш албатта ўзининг ижобий самарасини беради, деб ўйлаймиз.

Оммавий кутубхоналарнинг кутубхоначи-библиографи, болалар адабиёти ва техника адабиётларининг кутубхоначи-библиографи, клуб ишларининг ташкилотчи-методисти, ҳаваскорлик театр коллективи, ашула ва рақс ансамбли, хор коллективи, халқ чолғу оркестри, рақс коллективининг раҳбари каби мутахассисликлар бўйича студентликка қабул қилинади. Кутубхонашунослик мутахассислигига кириши ҳоҳлаган абитуриентлар сна тили ва адабиётдан ёзма ҳамда оғзаки, СССР тарихи, чет тилидан, маданий-оқартув ишлари бўлимига кирувчилар эса чет тили ўрнига мутахассислик бўйича имтиҳон топширадилар.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Эфиопиянинг Сомалидаги воқеаларда қатнашаётганлиги ҳақидаги туҳмат гапларни яна қатъиян рад этди.

Ҳозирги вақтда, дейилади баёнотда, Могадишо режими ўзини агрессия қурбони қилиб кўрсатиб, Эфиопияга қарши туҳмат кампаниясини уюштирди. Аслини олганда, деб таъкидлаб ўтилади баёнотда, Сомалиде ҳукмрон режимга қарши куролли кураш давом этмоқда. Бу кураш ана шу мамлакатнинг ичида рўй бераётган воқеадир. Эфиопиянинг бирорта солдати ҳам бу курашда қатнашмаётир.

(ТАСС).

Э. ИСЛОМОВ,
Тошкент Давлат маданият институти қабул комиссиясининг масъул секретари.

ДЕҲҚОНЛАРГА КЎМАКЛАШИБ

«СТРОЙПЛАСТ МАСС» комбинати республика Бинокорлик материаллари саноати корхоналари ўртасидаги етакчи коллективлардан бири ҳисобланади. Ўтган йили Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритган бу коллектив бу йил ҳам юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқда. Улар 19482 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олишган.

Ўтган ярим йиллик даврида комбинатда 10435 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу кўрсаткич пландагидан 700 минг сўмлик кўпдир.

Корхона коллективи СССР Озиқ-овқат программасини амалга ошириш ишига муносиб ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган полиэтилен плёнкаси эртаги экинларни етиштиришда жуда қўл келяпти. Бу йил ана шундай плёнкадан 1 минг 200 тонна тайёрлаш планлаштирилган. Ўтган 6 ойда эса деҳқонларга пландаги 600 ўрнига 847 тонна полиэтилен плёнкаси жўнатилди.

Яқинда қишлоқ хўжалик маҳсулотларни ташишда ишлатиладиган ихчам ва қулай полимер яшчиклар тайёрлашга киришилди. Улар одатдаги тахта яшчикларга қараганда анча пишиқ ва енгилдир.

— Полимер яшчиклар асосан чиқиндилардан тайёрланяпти, — дейди комбинат директори Х. Юнусов. — Эндиликда чиқиндилар ҳам исроф бўлмайди. Май Пленумидан кейинги даврда шундай яшчиклардан 20 мингтасини хўжаликларга жўнатдик. Йил охиригача эса яна 50 минг дона тайёрланади. 1983 йилда эса бу кўрсаткич ярим миллион донага етади.

О. ХУШНАЗАРОВ.

Жаҳон янгиликлари

АҒРЕССОРЛАРНИНГ ВАҲШИЙЛИКЛАРИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ливаннинг оммавий ахборот воситалари сионист армияси босиб олган территориялардаги вахшийликларини кўрсатувчи янги фактларни келтирмоқдалар. Бу ерда норвегиялик икки врач — Меллер ва Бергнинг кўрсатмалари эълон қилинди, улар интервенциянинг дастлабки ҳафталарида Ливаннинг жанубида бўлиб, Фаластин Қизил ой жамияти касалхоналарида ишлаётган ва исроилликлар томонидан қамоққа олинган эдилар. Врачлар ўзларининг гувоҳлик кўрсатмаларини ўз мамлакатининг ташқи ишлар министрлигига ҳам йўлладилар.

Оккупациянинг биринчи ҳафталарида, деб ҳикоя қилишади улар, исроилликлар Сайда шаҳрининг марказий мактабида қамоқхона ташкил этиб, юзлаб граждан шахслар ана шу қамоқ лагерларидан ўтдилар. Худди шу лагерга тушган врачлар бу ерда араблардан 500—600 нафар маҳбуснинг ҳолидан хабар олиб турдилар. Врачларнинг сўзларига кўра уларнинг камида ярми ҳаддан ташқари қаттиқ азоб-уқубатларга дучор қилинган эдилар. Исроил солдатлари маҳбусларни калтаклаш учун кўпинча столларнинг учида михлари бўлган оёқларидан, узун резина ва пластик таёқчалардан (баъзида уларнинг учида темир бўларди), қалин пластмасса чилвирлардан тўқилган қамчинлардан фойдаландилар. Маҳбусларни солдатлар ботинкаларининг темир пошналари билан ҳам тепкилишар эди.

Калтаклаш бутун кун мобайнида давом этарди. Калтаклаш учун ажратиб олинган группалар мактаб ҳовлисига олиб борилар эди. Исроил солдатлари одамларнинг қорнига, кўкраги ва бошига уришар эди. Маҳбусларнинг қўллари пластик чилвирлар билан боғлаб қўйиларди. Жаллодларнинг бири Меллернинг кўз ўнгида бир сафга тизилган беш нафар арабни таҳқирлар эди. Аввалига у маҳбусларнинг қорнига урар, оғриқдан эгилиб қолганида эса бошига зарбалар туширар ва яна қорнига урар эди. Олтмиш ёшли бир маҳбус ердан туриб ҳарбий либосдаги вахшийни урмоқчи бўлганида унга дарҳол беш солдат ташланиб, таёқчалар билан калтаклай бошладилар. Жонсиз жасад ҳовлида бутун кун бўйи ётди, кейинчалик эса деб ҳикоя қилишди врачлар, унинг ёнига солдатлар қийнаб ўлдирган яна уч кишининг мурдасини ташладилар.

Норвегияликлар лагерга тўшиб қолган медицина ходимларидан бирини исроилликлар бўйнига арқон боғлаб ҳовлида етаклаб юрганликларини ва бунда уни калтаклаганларини кўришган.

НОРОЗИЛИК НОТАСИ

КОПЕНГАГЕН. (ТАСС). Даниянинг Ритсаус-бюро ахборот агентлиги хабар қилади: Европа «умумий бозори» органларида раислик қилувчи мамлакат — Даниянинг Вашингтондаги элчихонаси вакили Сибирь — Ғарбий Европа газопроводи қурилиши учун Америка технологияси етказиб берилиши тақиқланишига қарши Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган ўнта мамлакат номидан норозилик нотасини топширди. Нотада «бундай тақиқлашнинг сиёсий оқибатлари Ғарбдаги барқарорликка ва жипсликка путур етказиши» огоҳлантирилган, деб уқтиради Ритсаус-бюро агентлиги.

Агентлик Европа иқтисодий ҳамжамиятининг нотаси «АҚШ Ғарбий Европа мамлакатларининг ички ишларига аралашаётганлигидан» Европа ҳамжамияти норозилигини билдириш йўлидаги дастлабки қадам эканлигини таъкидлайди.

● Қўшма Штатлар Сальва дордаги қўғирчоқ режимга ҳар тарафлама ёрдам кўрсатмоқда, АҚШ Сальвадор ҳукумати қўшинларини қуроллантириш учун кўпгина қурол-яроғлар, шу жумладан умумий қиймати 55 миллион доллар турадиган 10 та самолёт етказиб берди. Бу мададга таянган каллакесарлар ўз мамлакати халқига нисбатан ҳунрезлик қилмоқда.

Суратда: қонхўрлар кўрсатаётган вахшийлик.

ТАСС фотохроникаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

◆ **ЛИССАБОН.** Португалия республикасининг парламенти биноси олдида демократик жамоатчиликнинг намойиши ўтказилди. Бу намойишда юз мингдан зиёд киши қатнашди. Шу пайтда парламентда амалдаги конституцияга киритиладиган ўзгаришлар муҳокама қилинмоқда эди. Намойиш Португалия меҳнаткашлари умумий конфедерацияси — миллий интерсиндикал чақириғи билан уюштирилди. Мамлакатдаги кўпгина сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари намойишни қўллаб-қувватладилар.

◆ **КОБУЛ.** Покистон маъмурларининг рухсати билан бу мамлакатда бошпана топган афғон контрреволюционерлари яна жиноят қилдилар. Улар Пешоварнинг атроф теварагида ва Бажавур шаҳрида дўкон ва магазинларни алғов-далғов қилиб талладилар, уларнинг эгаларини калтакладилар. Маҳаллий савдогарлар ўзларининг безорилиги билан ном чиқарган афғонистонлик босмачиларни кўришлари билан дўкон ва магазинларини ёпган пайтда ана шундай ҳуруж рўй берди. Бажавур шаҳрининг аҳолиси афғон контрреволюцион унсурларининг ҳаракатларидан қаттиқ ғазабланганлигини изҳор қилди ва Покистон маъмурларидан уларни дарҳол мамлакат территориясидан чиқариб юборишни талаб этди.

◆ **АДДИС-АБЕБА.** Эфиопия ташқи ишлар министрлиги Эфиопиянинг Сомалидаги воқеаларда қатнашаётганлиги ҳақидаги туҳмат гапларни яна қатъиян рад этди.

Ҳозирги вақтда, дейилади баёнотда, Могадишо режими ўзини агрессия қурбони қилиб кўрсатиб, Эфиопияга қарши туҳмат кампаниясини уюштирди. Аслини олганда, деб таъкидлаб ўтилади баёнотда, Сомалиде ҳукмрон режимга қарши куролли кураш давом этмоқда. Бу кураш ана шу мамлакатнинг ичида рўй бераётган воқеадир. Эфиопиянинг бирорта солдати ҳам бу курашда қатнашмаётир.

(ТАСС).

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАКА № 7 (243)

● ҲОСИЛ НОБУД БЎЛМАЙДИ.
● ТУНГИ РЕЙД.
● АРАЛАШ-ҚУРАЛАШ...
● ЭШИТГАН ҚУЛОҚҚА ЯХШИ ЭМАС.
●

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

МАОШ ФОНДИНИ СОВУРИБ

Ўтган йили 93-ихтисослашган трестнинг бошқарув аппаратини сақлаш учун 1981 йилда 17,1 минг сўм ортиқча маблағ сарф бўлди. Текшириб қарашса, бу ерда 113 та ортиқча штат сақланаётган экан.

Шундан сўнг бир қатор қурилиш ташкилотларида маош фонди нималарга сарф бўлаётганлиги, штатлардан қандай фойдаланилаётганлиги текширувдан ўтказилди. «Промтехмонтаж» трестининг Чирчиқ монтаж бошқармасида ўтказилган текширув якунлари кўпчиликни ажаблантирди. Бу ерда штатдан ташқари 8 киши ишга қабул қилинган эди. Уларга ўтган йили 7340 сўм, шу йилнинг биринчи кварталида эса 3141 сўм тўланди.

Типовой штат бўйича бошқармада смета-шартнома группаси 4 кишидан иборат бўлиши керак эди. Амалда эса бу группага 14 киши жамланган. В. Титоренко группада инженер сифатида маош олади. Амалда эса кадрлар бўйича инспектор вазифасини ўтамоқда. Ю. Лобанов ҳам шундай йўл билан маош олмоқда. У группада катта инженер деб расмийлаштирилган бўлсада, амалда мастерлик вазифасини бажармоқда. Шунга ўхшаш фактлар жуда ҳам кўп. Бунинг устига лимит бўлмасада бошқарма ГАЗ-69 автомашинасидан фойдаланиб келган. Бундай ҳаражатлар ўтган ойларда жуда ҳам кўп бўлди.

«Ўзсантехгазмонтаж» трестида давлат мулкини турли йўллар билан совураётган яна бир группа кишилар маълум бўлди. Уларнинг уқувсизлиги билан бир йилда 12 минг сўмлик маблағ ортиқча сарф бўлди.

Область ҳалқ контроли комитети маош фондидан оқилона фойдаланиш устидан назоратни бўшаштириб юборган 93-ихтисослашган қурилиш трести бошқарувчиси Х. Я. Тёга, «Промтехмонтаж» трестининг Чирчиқ монтаж бошқармаси бошлиғи В. Н. Великановга, «Ўзсантехгазмонтаж» трести бошқарувчиси С. Раҳмоновга виговор эълон қилди. Текширув якунлари ҳозир жойларда муҳокама қилиниб, тежамкорлик режимини кучайтириш бўйича қўшимча чоралар белгиланмоқда.

СЕРГАК ПРОЖЕКТОРЧИЛАР

Район комсомол прожектори штабига тушган сигналларнинг бирида Свердлов номли колхозда ўрилаётган беданинг бир қисми талонтарож қилинаётганлиги билдирилган эди. Штаб мажлисида бамаслаҳат дарҳол оператив группа тузилди. Группа аъзолари тунги рейдга жўнаб кетдилар.

Ҳақиқатан ҳам ўша оқшом икки арава беда қўлга туширилди. Эгри қўл кишилар бу бедани шахсий «ферма»га олиб кетишаётган эди. Прожекторчилар иштирокида тузилган актда воқеа тўла баён этилди ва чора кўриш учун колхоз правленнесига топширилди.

Орадан кўп ўтмай, Киров номли ўқув хўжалиги, Волков номли совхозга ҳам рейд уюштирдик. Бу рейдларда озуқа тайёрлаш сифати ва уни сақлаш қандай ташкил этилганлиги билан яқиндан таништик. Йўл қўйилган камчиликлар ўша жойнинг ўзидаёқ бартараф этилди. Совхоз прожекторчилари ва назоратчилари сезгир бўлишга даъват этилди.

Районимизда ҳозир 55 та комсомол прожектори штаби ва 135 та пост ишлаб турибди. Уларга салкам 500 прожекторчи бирлашган. Район комсомол комитетининг бўлиб ўтаётган бюро мажлисларида прожекторчилар фаолияти атрофлича анализ қилинмоқда, штаблар ва постлар жанговарлигини ошириш йўлида зарур чоралар кўриляпти.

Кейинги пайтда бўлиб ўтган бюро мажлисларида биз Волков номли совхоз ва Димитров номли колхоз комсомол прожектори штаби ва постлари ишини муҳокама қилдик. Рейд якунларини ошкор қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, тежамкорлик бўйича тўпланган тажрибаларни оммалаштириш соҳасида бу хўжаликларда маълум ишлар қилинган эди. Улар тажрибасини район бўйлаб кенг ёйишга қарор қилинди.

Энгельс номли колхоз, экспериментал-ремонт - механика заводи, «Сергели» совхози каби хўжаликларда ҳам комсомол прожекторн штаби ва постлари иши йил сайин жонланиб бораяпти. Улар рейд ва текширувларни перспектив план асосида олиб бормоқдалар. Жанговар варақаларда ва «Чақмоқ»ларда рейд якунлари кўпчиликка маълум қилинаяпти. Варақаларда мусобақани уюштиришда тўпланган тажрибалар ҳам кенг ёйилмоқда. Район бўйлаб тежамкорлик бўйича қизғин мусобақа кетаяпти. Мусобақа давомида хўжаликларда қўлга киритилаётган ютуқлар алоҳида варақаларда ўз ифодасини топмоқда.

Комсомол прожектори штаблари кейинги йилларда совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда рейдлар ўтказишга алоҳида эътибор беряпти. Ўтган ойларда меҳнат унумдорлигини ошириш, техникадан фойдаланиш, маккажўхори экинлари парвариши, ёш колхозчилар ва ишчиларга зарур шароитлар яратиб бериш бўйича халқ контроли группалари билан ҳамкорликда 65 та рейд ўтказилди. Текширувлар якуни колхоз правленнеси, совхоз дирекцияси, партия комитетлари мажлисларида муҳокама қилиниб, аниқланган нуқсонларни тугатиш бўйича конкрет чоралар кўрилди.

Шу кунларда прожекторчиларнинг бутун эътибори ғўза парвариши сифатига қаратилган. Бу йил районимиз меҳнаткашлари гектар бошига 43 центнердан «оқ олтин» ҳосили олиш, давлатга 66 минг тонна пахта сотиш юзасидан оширилган мажбурият қабул қилганлар. Ҳозир салкам 6 минг гектар майдондаги ғўзаларда 4—5 тадан кўсак ҳосил қилинган. Ишларимиз группаларга бўлинишиб, сувдан ва минерал ўғитдан оқилона фойдаланиш устидан назоратни кучайтирмоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқки, прожекторчи ёшлар иштирокида биз кўзланган маррани албатта эгаллаб, СССРнинг 60 йиллик юбилейига муносиб тўёна ҳозирлаймиз.

И. АБДУХОЛИҚОВ,
Ғалаба район комсомол комитетининг биринчи секретари, комсомол прожектори штаби бошлиғи.

НАЗОРАТЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

МУРАББИЙ МЕҲРИ

Яхши кайфият билан бошланган кун унумли бўлади. Бугун Нозима опа фермага келиши билан уни ҳамма ўн кунликда ғолиб чиққани билан табриклади. Кўнгли тоғдек кўтарилди унинг. Дарвоқе, тез-тез биринчиликни олиб турмаса, мажбуриятини қандай бажаради...

Бугун ишлари тезда жўнашиб кетди. Сигирларни ҳаммадан олдин соғиб бўлди. Кейин бундан ҳавотир олиб, кам соғдимми, деган гумон билан сутни чамалаб кўрди. Йўқ, кундалигидан ортиқроқ. Ҳа, сигирлар кўкка тўйипти, ҳаёлидан ўтказди опа.

Шунда бенихтиёр ёнида сигир соғаётган Маъмурага кўзи тушди. Негадир қовушмайди. Планларни ҳам зўрга уддалайди. Буни опа яхши биларди. Ҳар куни кимнинг қанча сут соғиб бергани ёзиб қўйиладида. Опа ҳаёл билан бир пас унга тикилиб қолди. Қараса, аппаратдан кейин анчагина сут соғилмай қолиб кетаяпти.

— Аппарат билан ололмасанг, қўл билан соғиб ол, синглим. Сутнинг қаймоғи қоляпти, ахир, — деди Нозима опа Маъмурага.

— Унда соғиш чўзилиб кетади, емиш тарқатишга кечикаман.

— Ҳечам кечикмайсан. Аппаратни навбатдаги сигирга ишлатиб қўй-да, бунисини соғавер. Айни пайтда аппаратни ҳам кузатиб туришга ҳаракат қил.

Маъмура истар-истамас опа кўрсатгани бўйича ишлай бошлади. Ўша куниёқ Маъмуранинг кўрсаткичида илгари силжиш сезилди.

Ишга янги келганлар, планларини яхши бажара олмаётганларнинг ҳаммасида ана шу камчилик борлиги аниқланди. Нозима опа соғиш цехида айланиб шуни сезди. Ҳа, у бундай пайтларда камчиликни кузатиши, топиши лозим. Чунки у ферма халқ контроли группасининг аъзоси. Қолаверса, бу ерда ўн беш йилдан бери тер тўкади. Жонажон фермаси учун қайғуриш керак.

Ростдан ҳам, ферма халқ назоратчиларининг навбатдаги йиғилишида Нозима Зокирова ўзининг таклифи билан чиқди. Ёш сут соғувчиларнинг иши группа аъзолари томонидан кузатиладиган бўлди. Шу билан биргаликда назоратчиларнинг ўзлари ёшлардан беш кишини оталиққа олишди. Колганлар Роҳат опа Ғофурбекова сингари тажрибали сут соғувчиларга бириктирилди.

Ҳозир шогирдлардан Маъмура Назарова ҳам илғорлар сафидан ўрин олган. Яқинда у ўн кунлик ғолиби бўлди. Шунда энг аввало келиб мураббияси Нозима опага раҳмат айтди.

— Энди чарчаб қолмаяпсанми? — деди кулиб устоз шогирдига.

— Ураниб қолдим. Контроль соғин пайтлари ҳам кўраяпсиз-ку, энг биринчи топшираяпман.

Контроль соғинни назоратчи сифатида кўпинча Нозима опа олиб боради. Бу тадбир ҳар ҳафтада ўтказилади. Унда сутнинг миқдори ва сифат кўрсаткичлари кузатилади.

— Бу йил давлатга 1189 тонна сут сотишимиз керак, — дейди ферма мудири Носир Одилхўжаев. — Молларни қишдан соғлом олиб чиқишда ҳам халқ контроли группа ишимизга катта ёрдам берди. Улар бор ем-хашакдан унумли фойдаланамиз, четдан сотиб олмаймиз деган ташаббусни кўтариб чиқдилар. Бу ташаббус асосида хашакнинг ҳаммаси озуқа цехидан ўтказилди, яъни витаминлаштириб, бўғлаб берилди. Ҳулласи, чиқит бўлмади ҳисоб. Озуқа цехида назоратчилар навбатчилик қилишди.

Ферма бу йил рентабелли хўжаликлар қаторига кираяпти. Ҳозиргача бирорта ҳам бузоқ нобуд бўлмади. План кўрсаткичлари ошириб адо этилмоқда. Ҳар бир килограмм сутнинг таннархи учун кураш халқ контроли группасининг асосий вазифаси бўлиб қолди. Сигирлардан тўлиқ бола олиш, уларнинг наслдорлигини яхшилаш масаласи ҳам бугун халқ назоратчиларининг диққат марказида.

Раҳмат Аҳмедов бошлиқ халқ назоратчилари сафида Нозима Зокирова, Матлуба Салимова, Муҳаббат Ойнекова, Моҳира Шодмонхўжаева каби моҳир сут соғувчилар бор. Улар арзон чорва маҳсулотлари етказиб бериб ферма шуҳратини оширишяпти. Оржоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг коммунистлари, халқ назоратчилари бошқа соҳаларда ҳам ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Р. РАУПОВ.

ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛИНГ

Яқинда Бўстонлиқ ва Паркент районлари хўжаликларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратилган маблағлардан қандай фойдаланилаётганлиги текширилди. Ўтган йили Бўстонлиқ райони бўйича уруғлик ва кўчат сотиб олиш учун ишлаб чиқариш молия планида кўзда тутилганидан 3 марта, автомобиллар ремонти учун эҳтиёт қисмлари сотиб олишга 4 марта, электр энергияси учун 2 марта кўп маблағ сарфланибди. Ортиқча сарфиётлар пирларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини ошириб юборди.

Район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси ишлаб чиқариш молия планларининг бажарилиши, колхозлар учун ажратилган маблағларнинг ўз ўрнида фойдаланилиши устидан пухта назорат ўрнатмаган. Назоратнинг сустлиги учун ҳам Фрунзе номли, К. Маркс номли, Жданов номли колхозларда ортиқча ҳаражатлар миқдори йил сайин ошиб боряпти.

Фрунзе номли колхозда картошка ва галла уруғлиги учун сал кам 30 минг сўм, минерал ўғитлар учун 60 минг сўм, электр энергияси учун 25 минг сўм, автомобилларнинг жорий ремонти учун эса 30 минг сўм ортиқча маблағ сарф бўлди. Бундай сарф ҳаражатлар миқдори Паркент районидаги «Ленинобод», «Коммуна» ва «Прогресс» совхозларида ҳам ўсиб бораяпти.

Область ҳалқ контроли комитети қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратилган маблағлардан ўз ўрнида фойдаланмаётган, ишлаб чиқариш молия планига зид иш қилаётган хўжалик раҳбарларини қаттиқ жазолади. Жумладан Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз раиси Разов ва бош бухгалтер Турсунбоев, К. Маркс номли колхоз раиси Ирисбоев ўртоқларга виговор эълон қилинди ва пул начёти солинди.

ЮЛДУЗ КЎРМАЙ...

Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоз фермасида боқилаётган бузоқларни кўриб кишининг раҳми келади. Ҳаммаси ориқ, дардчил... Ўтган йили ва шу йилнинг дастлабки 4 ойи давомида уларнинг кўпчилиги юлдуз кўрмай жон берди. 2 ёшга етмаган 84 та бузоқ турли хил баҳоналар билан сўйиб юборилди. Жониворларнинг ўртача тирик вазни 50 килограммга ҳам етмади.

Қушхоналарга топширилган моллар ҳам бири-биридан ориқ. Кейинги пайтда гўштга топширилган моллар-нинг тирик вазни ўрта ҳисобда аранг 243 килограммга тўғри келди. Озғин моллар турли хил сабаблар билан сўйиб юборилаётганлиги учун ҳам хўжаликда гўшт етиштириш плани оқсамоқда. Шу сабабдан кейинги йилларда колхоз 13 минг сўмликдан кўпроқ зарар кўрди. Бу орада 14 мингта парранда ҳам йўқ бўлиб кетди. Колхоз раҳбарлари чорвачиликни ривожлантиришда йўл қўйилаётган бундай кўнгилсиз ҳоллар билан муроса қилиб келаётганликлари кишини ажаблантиради.

Область ҳалқ контроли комитети йиғилишида колхозда чорвачиликни ривожлантиришда йўл қўйилаётган нуқсонлар қаттиқ танқид қилинди. Колхоз раиси У. Исроиловга виговор эълон қилинди ва бир ойлик маоши миқдорида пул начёти солинди. Бу жазо гўшт, сут, тухум етиштиришни қўпайтиришга эътиборсизлик билан қараётган бошқа баъзи хўжаликлар раҳбарлари учун сабоқ бўлиши керак.

70 ХИЛ МАҲСУЛОТ

◆ ОЛМАЛИҚ машинй химия заводи коллективи ҳозир 70 хилдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Улар ҳар бир хонадонга керак. Шу боиздан ҳам завод халқ контроли группаси аъзолари ҳар бир маҳсулотнинг сифатли бўлиши устида алоҳида қайғурмоқдалар.

Суратда: халқ контроли группаси аъзолари Л. Некрасова ва З. Қурбонова ярим автомат линиялар қўйиб чиқараётган суюқ маҳсулотлар миқдори ва сифатини кўздан кечиришяпти.

В. Сироткин фотоси.

АРМОН

(ПОМИДОР ТИЛИДАН)

Айрим хўжаликлар раҳбарлари ва савдо ташкилотларининг бепарволиги туфайли сабзавот маҳсулотлари шаҳарликлар дастурхонига сифатли етиб келмаяпти, исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Деҳқон қўли кўрмасин
дард,
Қизардим мен лўпи
бўлиб.
Гул юзимга қўндирмай
гард,
Узди аста кўнгли тўлиб,
Яшчиклардан топдим
паноҳ,
Хайр, дедим далаларга.
Аммо билмам нима гуноҳ,
Қолдим роса балоларга.
Пайкалда бўлдим интизор,
Қилмай асло ҳеч ким
дарак,
Кунлар ўтгач, босиб
моғор,
Бир базага етдим аранг.
Бу ерда ҳам хор-зор
бўлиб,
Жойдан-жойга хўп
отилдим,
Уч кун ўтгач, қоғоз билан
Олис йўлларга ортилдим.
Сўнг бошпана бўлди
дукон,
Унда ётдим сувдек оқиб,
Харидорлар эса ҳайрон
Ранги-рўйимга бир боқиб,
Бодринг, пиёз келиб
қолди,
Ачинишди хор холимга
Тез орада бужмайишиб,
Тушди менинг аҳволимга.
Картошка ҳам юлдуз
кўрмай,
Нақ базада узнбди жон,
Пештахтани тўлдирибди,
Эти қочган хом бақлажон.
Сапсалорлик орқасида
Уринибди роса карам,
Айтинг кимга арз
қилайлик
Бизлар ўзи кимга қарам?

Хасратни оққа кўчирувчи
Санд ВАЛИ.

ПОМИДОР: сарсон бўлдим, найлайин.

А. Ҳолиқов чизган расмлар.

БЕНЗИНБУЗАРЛАР

АБДУХАМИД нақд ўн олти сўмлик талонни бармоқ зўрға сиғадиган тўйнукчадан узатди-да, машинаси бакига қирқ литр АИ-93 бензинини қуйиб олди. Сўнг яп-янги «Москвич»ига ўтираркан, бир енгил тортди: энди бир ҳафтача бензин ҳақида қайғурмаса бўлади. Шунча бензин тўрт юз километрга етади.

Машинанг сара ем еган тойчоқдек «гижинглаб» турганига нима етсин, ҳайдаган саринг ҳайдагинг келади. Аксинча, ўт-бети носоз бўлиб «йўталса» ўзингнинг бирон еринг оғригандек кўнгилнинг бир чеккасига ғашлик қўйгандек.

Абдуҳамид бакни тўлатиб олгач онласи билан Чимёнга жўнади. Бироқ ярим йўлга бормаслан, машинанинг тортиш кучи камайди, газ педалини қаттиқроқ босса клапанлар тақиллаб кетди. Тоғ йўли бошлангандан кейин эса баттар бўлди. Бўлмаса ўтган ҳафта машина шу йўлдан парво қилмай чиқиб кетган эди.

Эртаси куни у машинани устахонага олиб борди. Тажрибали уста уёқ-буёғини кўрди-да, «ҳеч қандай касали йўқ, ёмон бензин қуйдиргансиз, клапан тақиллаши ўшандан» деди.

— Автозаправкадан «тўқсон уч» қуйдиргандим, — деди Абдуҳамид эътироз билдириб.

Уста Абдуҳамиднинг соддалигидан кулгандек мийиғида илжайди:

— Қаёқдан биласиз «тўқсоқ уч»лигини?..

Абдуҳамид бу кинояга тушунди. Ўйлаб кўрса, илгари ҳам худди ўша заправка станциясидан бензин олганида машинаси қийналган эди. У жаҳли чиқиб, бу воқеани керакли жойга ёзиб юборди.

У жойда эса бундай шикоят хатлари ягона эмасди. Тошкент шаҳри ва областдаги айрим автозаправкаларда сифатсиз бензин, яъни юқори маркали бензинга паст маркадагиси — арзони аралаштириб сотилаётгани ва бунинг оқибатида шахсий ва давлат машиналари двигателлари ишдан чиқаётгани тўғрисида бошқа шикоятлар ҳам кўп эди.

Текшириш бошланди.

Одатда, бензин нефть базаларига келтирилганидан сўнг ва автозаправка станцияларига тарқатилганидан кейин ҳам ўша жойларда сифати назорат қилиб турилиши керак. Худди шу мақсад учун мослама ва лабораториялар мавжуд. Чунки, бензин сифатининг бузилиши, маркаларининг аралаштирилиши двигателларни муддатидан илгари ишдан чиқаради, «юлдуз кўрмай жон бериши»га олиб келади. Демак шахсий машина эгаларига ва давлатга жуда катта моддий зарар етказилади. Масъул жойларда раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган атиги бир неча кишилар билиб-билмай мана шундай қаллобликларга йўл очиб беришади. Уларнинг «бағри кенглигидан» фойдаланган бошқа бир гуруҳ кишилар эса фақат ўз чўнтакларини ўйлайдилар-у, бунинг ҳисобига бошқа минглаб кишилар ва давлат чўнтагига катта моддий зарар етказадилар.

Тошкент шаҳар нефть базасида (директори Сотиев, ўринбосарлари Феодориди, Усмонов, бош инженери Коробков ўртоқлар) ва унинг бўлимларида худди шундай одамлар бор экан. Иққса, бу базада областда ягона бўлган УИТ—65 мосламаси кейинги саккиз ой мобайнида мутлақо ишламаганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ганг шундаки, бу мослама, таъкидлаймиз — областда ягона бу мослама бензин сифатини — октан сонини аниқлайди.

— Унинг шунча муддат ишлатилмаслигига сабаб нима?

Бу саволга область нефть маҳсулотлари билан таъминлаш ва тақсимлаш бошқармаси раҳбарлари ҳам, нефть базасининг раҳбарлари ҳам елка қисиш билан чекланишди...

1980—1982 йиллар давомида мослама фақат 68 кун ишлади, оқибатда эса нефть маҳсулоти қабул қилинаётганда ҳам, автозаправка станцияларида ҳам унинг октан сони назорат қилинмади.

Тошкент нефть базасининг резервуарларидаги бензиннинг ўзи октан сони бўйича ГОСТ—2084—64 талабларига мос тушмайди. Тошкент нефть базасидаги аттестациядан ўтган ягона лабораториянинг ёмон ишлаш сабаби — база кўчма химия лабораторияси билан таъминланмаганлигидадир. Бунинг сабаби эса — кўчма лаборатория учун мўлжалланган машина ремонти ҳеч асоссиз чўзилиб ётганидадир... Натижада, автозаправка станциялари ва нефть базаси филиали бўйича автобензининг сифатини текшириш графигига амал қилинмаяпти, лабораторияда ишлатилмаяпти.

Тошкент шаҳридаги 12 автозаправка станциясининг бошлиқлари орасида тўқимачи инженерни, математика ўқитувчиси, ҳатто... юристни ҳам ўқратиш мумкин! Айни пайтда, олий маълумотли халқ хўжалиги мутахассислари оддий заправкачи бўлиб ишлашмоқда.

Тошкент нефть базасида ишчи кадрларни белгиланган меҳнат қонунлари бўйича ишлатишда, хусусан ишга қабул қилиш ва бўшатишда кўпол хатоларга йўл қўйилмоқда. Айрим вазифалардаги ишчилар бир ой давомида 12 соатдан ишлаб бир ой дам олиштн, бироқ, айни пайтда уларга кунига 8 соатдан табель тўлдирилмоқда... Бунинг учун эса касаба союз ташкилоти билан келишилмаган...

Шунингдек, нефть маҳсулоти айрим истеъмолчиларга белгиланган фонддан анча кам, бошқа бировларга эса фонддан анча кўп етказиб берилаётгани ҳам қизиқ...

Текшириш натижалари бўйича область халқ контроли комитети бир қатор масъул кишиларни жазолади... Жумладан, нефть базасининг директори С. Сотиев ва унинг ўринбосари Ф. Феодориди-ларга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди. Етказилган зарарни маълум даражада қоплаш учун директорга бир ойлик маоши — 200 сўм, ўринбосарига нки ойлик маоши — 360 сўм миқдорида пул начёти солинди.

Ўйлаймизки, бундан буён камчиликлар тугатилади, оғиримизни енгил, узоғимизни яқин қилаётган машиналар сифатсиз бензиндан азият чекмайдиган бўлади...

Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

БЕТГА АЙТГАННИНГ ЗАҲРИ ЙЎҚ

ИМКОНИЯТЛАРИМИЗ ЧЕКСИЗ

Совхозимиз меҳнаткашлари СССРнинг шонли юбилейи шарафига ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. Бу йил планда белгиланган 10 минг 800 тонна ўрнига 12 минг тоннадан зиёд сабзавот, минг тонна картошка, кўплаб мева ва узум етказиб бериш юзасидан қизғин мусобақа кетяпти.

Халқ контроли группаси аъзолари ҳозир йиғим-теримнинг сифатли бориши устидан кўз-қулоқ бўлиб турибдилар. Сабзавотнинг бир қисми эл дастурхонига етказиб берилди. Ҳозир картошка ковлаш ишлари давом этмоқда. Назоратчилар етилган ҳосилни нобуд қилмай тезроқ хирмонга жамлаш устида қайғурмоқдалар.

Группамизда 17 назоратчи бор. Улар 6 та секторга бўлинган ҳолда фаолият кўрсатишяпти. Бундан ташқари қурилиш бригадаси ҳамда чорвачилик фермасида ҳам постлар ташкил этилган. Пост аъзолари ўтказилаётган рейдларда актив қатнашмоқдалар. Шу ўринда экин экиш кампанияси қизғин бошланган кезларда ўтказилган рейд киши ёдига тушади. Ўша дамларда микерал ўғитлардан самарали фойдаланишга эътибор бироз сусайган эди. Ташиб келтирилган миперал ўғитнинг бир қисми очиқ ҳавода қолиб яроқсиз ҳолга тушган эди. Бу камчилик учун 4-ва 14-бригада бошлиқлари жиддий огоҳлантирилди.

Навбатдаги рейдда техникадан қандай фойдаланилаётганлиги текширилди. Текширув давомида 3- ва 4-бригадаларда техника етишмаётганлиги учун экин экиш ишлари сусайиб кетаётганлиги аниқланди. Рейддан сўнг техника тақсимоти бригадаларо, тўғри йўлга қўйилди. Қўрилган тадбирлар туфайли уруғлик вақтида экиб бўлинди. Мана бугун совхозимиз ишчилари кенг пайкаллардан мўл ҳосил кўтармоқдалар. Ҳозир назоратчилар янги ҳосилни шаҳарликлар дастурхонига элтиб бераётган транспорт ниш устидан пухта контрол ўрнатганлар. Ҳосилнинг бир дақиқа ҳам махтал бўлиб қолишига йўл қўйилмаяпти.

Бир группа назоратчиларимиз ҳозир навбатдаги рейдга отланмоқдалар. Улар боғдорчилик бригадаси ишини текширувдан ўтказишмоқчи. Чорва учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш йўлида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳам эътиборимиздадир.

Бир сўз билан айтганда назоратчиларимиз Озиқ-овқат программасини ҳал этишда барча резерварни ишга солишга, ишлаб чиқаришда шахсий намуна кўрсатишга ҳаракат қилмоқдалар. Тўхта Расулматова, Муҳаммадкарим Знёмуҳаммедов каби актив назоратчилар группа бюросига янги-янги таклифлар билан келмоқдалар. Назоратчилар таклифи ишлаб чиқаришга катта ёрдам беряпти.

А. АБДУРАЗЗОҚОВ,
Оржоникидзе районидаги Оржоникидзе номли совхоз халқ контроли группаси раиси.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ДИПЛОМ ЛОЙИҲАЛАРИ АСОСИДА

◆ ТОШКЕНТ политехника институти комиссиясининг аъзолари сиртқи бўлимни битирувчи Александр Горностаевнинг диплом лойиҳасини кўриб чиқиб «ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсия қилинсин» деган хулосага келдилар. У ўз ишини ишлаб турган корхонаси — Навоийдаги «Октябрь 50 йиллиги» ремонт-техника заводига бағишлади. Ишлаб чиқаришни яхши билиши туфайли дипломант завод ишлаб чиқаришини машиналарининг қўпол валларини ремонт қилишда плазмавий ишлов бериш методига ўтиш лойиҳасини ишлаб чиқиши мумкин бўлди. Бу янгликни жорий этиш техника ремонтини тезлаштиради, унинг таннархини арзонлаштиради, тикланган деталларнинг хизмат муддатини оширади.

ТошПИни битирувчилардан кўпларининг лойиҳаларига «аъло» баҳо берилиб, жорий этишга тавсия қилинди.

КАШФИЁТНИНГ ҚЎЛАМИ КОСМОСДАН ЕР ПЎСТЛОҒИГАЧА

◆ ТОШКЕНТДАГИ бинокорлик материаллари институти «НИИстройпроект» олимларининг кашфиёти туфайли цемент иккинчи марта бунёд этилди. Цемент ишлаб чиқариш анъанавий жараёнидан узоққа чўзилади ва қимматга тушади. Индустриямиз кўламларида бир йилда 130 миллион тоннага яқин цемент пишириб чиқарамиз — бунга ўн миллионлаб тонна ёқилғи ва миллиард-миллиард киловатт-соат электр энергияси сарфланади.

Тошкентлик олимлар техник силикатлар физикаси, химияси ва минералогиясида илгари номаълум қонуниятни топиб, принципиал янги технологияни яратдилар. Цемент 1000—1100 градус температурада вужудга келиши мумкин экан. Бу эса ёқилғи ва электр энергия сарфини қариб учдан бир ҳисса камайтиради. Паст температурада пишириладиган цементдан қотирилган бетон синаб кўрилганида у «классик» бетондан пишиқроқ бўлиб чиқди ва иссиққа ҳам совуққа ҳам баб-баравар бардош бера олишини кўрсатди, ундаги арматура коррозияга камроқ дуч келар экан. Шундай қилиб, бу янгилик ҳаётга дадил кириб бормоқда. Ўзбекистонда яратилган тажриба-саноат технологик линияси жаҳон практикасида беқиёсдир.

Авторлар шу кашфиёт асосида 39 та ихтиро қилдилар. Шулардан 13 таси АҚШ, ГФР, Францияда патентланди. Цемент заводлари учун машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи етакчи чет эл фирмалари илгор совет технологиясига зўр қизиқиш билан қарамоқдалар.

БУЗОҚЛАР СОҒЛОМ ЎСМОҒИ УЧУН

◆ ЎЗБЕКИСТОН чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг олимлари қуз-қиш мавсумида сигир-бузоқларни поток селекцион усул билан боқиш самарали технологиясини таклиф этдилар. Бу технология бузоқларнинг яхши сақланишини, подага тезда бақувват ва соғлом сигирлар келиб қўшилишини таъминлайди.

Улар чорва рационининг бир неча типларини ҳамда уни боқишни энг мақбул программасини ишлаб чиқдилар, молларни боқиш ва семиртириш юзасидан тегишли тавсиялар бердилар.

[ЎзТАГ].



ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ МАТБУОТ БЮРОСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЁШ ИЖОДКОРЛАР КЛУБИ

ОЛМАЛИҚ шаҳрида ташкил қилинган ёш ижодкорлар клуби талантли ёшларнинг севимли жойларидан бирига айланиб қолди. Энди бу ерда бошловчи прозаик, шоир ва драматурглар тез-тез тўпланишиб, ўз асарларини муҳокама қилиб, адабиётнинг муҳим масалалари хусусида баҳслашиб турадилар. Таниқли адиблар иштирокида китобхонлар билан ўтказиладиган учрашувлар ҳам бошловчи ижодкорларнинг келгуси ишларида муҳим роль ўйнайди.

Ижодкорлар клубининг ташаббуси билан ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда адабий уюшмалар ташкил қилинган бўлиб, белгиланган тадбирлар ана шу уюшмаларда ўтказилади. Шунингдек, бу ерда қўлёзма журнал ҳам чиқариш мўлжалланмоқда. Клубнинг ўзбек адабиёти секциясини ҳаваскор шоир, Тошкент Политехника институти филиалининг доценти Мусурмонқул Асқаров, рус адабиёти секциясини эса бошловчи прозаик, шаҳар газетасининг ҳодими Владимир Пядухов бошқармоқда.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Тошкент область бўлими ташаббуси билан бундай клублар Ангрен шаҳри, Бекобод, Паркент, Калинин, Оҳангарон ва бошқа районларда ҳам ташкил қилинмоқда.

ЎЗБЕК ШОИРИ—МАЯКОВСКИЙ НОМИДАГИ МУКОФОТ ЛАУРЕАТИ

КУТАИСИ шаҳрида В. В. Маяковский шеъриятининг Бутуниттифоқ байрами ўтказилди. Бу муҳим воқеа муносабати билан Грузия ССР Министрлар Совети гражданлик мавзуидаги революцион пафос билан суғорилган ва коммунистик идеалларга садоқатни таннум этувчи шеърий асарларни тақдирлаш мақсадида Владимир Маяковский номли махсус мукофот таъсис этган эди.

Грузия шоираси Далила Беданидзе «Бир минг тўққиз юз саксон икки» номли публицистик достони ва ҳамшаҳримиз — ёш ўзбек шоири Усмон Азимов «Инсонни тушиниш», «Че Гевара», «Подполковник Фатеев», «Отам ҳақида қўшиқ», «20-йиллар балладаси», «40-йиллар балладаси» номли публицистик рухдаги шеър ва балладалари учун бу юксак мукофотга сазовор бўлдилар.

Доимо изланишда бўлган ёш истеъдодли шоирни бу мукофот янги ижодий муваффақиятларга руҳлантириши, табиий.

КИТОБХОНЛАР ҲУЗУРИДА

СССРнинг 60 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2 минг йиллик юбилейига бағишлаб Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Бадиий адабиётни пропаганда қилиш бюроси ташаббуси билан кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, пойтахтимиздаги «Шуҳрат» номли магазинда таниқли ижодкорларнинг китобхонлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Унда кенг китобхонларнинг эътиборини қозонган «Тақдирлар китоби» асарининг муаллифи Г. Марьяновский ўзининг ҳужжатли қиссасига асос бўлган — Улуғ Ватан уруши йилларида минг-мингларлаб ота-онасиз қолган болаларнинг ўзбек халқи томонидан тарбиялаб олиниши тўғрисида ҳикоя қилди. Учрашув қатнашчиларини «Йўл», «Тўфон», «Борса-келмас» романларининг муаллифи Ж. Абдуллаханов ўзининг ижодий лабораторияси ва келгуси режалари билан таништирди.

Қизиқарли ўтган бу учрашувда Зулфия, Туроб Тўла, Барот Бойқобилов ва бошқа шоирларнинг шеърлари ўқилди. Тошкент шаҳар китобсеварлар жамияти бу ерда махсус кўргазма ва китоб савдоси ҳам ташкил этди.

В. НИКОЛАЕВ.

◆ ҲАЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ҚЎК ЧАЙКАЛАР

◆ МОВИЙ тўлқинлар узра кўк чайкалар учмоқда. Бу кўраётганингиз сароб эмасмикан? Йўқ, ундай эмас. Чимкент областидаги Бўржар сув омборида шундай манзарани кўриш мумкин.

— Кўк чайка фақат тирик табиатдагина бўлади, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Қозоғистон ССР Фанлар академияси зоология институтининг орнитологи Э. Гаврилов. — Гап шундаки, бу парранда патларининг туси қанотни ташкил этувчи тўлар билан шоҳ пластинкаларининг шаффофлиги тузилишига боғлиқ бўлади. Қуш нобуд бўлганидан сўнг патлар структураси бузилгач, шу галати ранг ҳам йўқолади. Шунинг учун ҳам биронта зоология музейида кўк чайкани кўрмайсиз.

МАМОНТ СЎҚМОҒИДАГИ КЎЧА

◆ АНКУДИНКА дарёси Якутиядаги кўҳна Среднеколимск шаҳрининг аҳолисини ҳанг-манг қилиб қўйди. Қўл ёмғир ёққанидан сўнг дарё тошиб, шаҳар кўчаларидан бирини сув босди. Сув қаттиқ, кўчанинг бир жойи ўпирилиб қолди.

Шаҳарликлар шу ўрага қарашса, унинг тубида узунлиги икки ярим метрга борадиган мамонт тиши ётибди. Тиш кемтик эди: бир бўлаги қачонлардир ушалиб кетган. Мутахассисларнинг фикрича, тиш уч метргача борган ва юз килограммча келган. Бундай тишларни кўтариб юрган ҳайвон нақадар улкан эканлигини тасаввур этиш мумкин!

Шундай қилиб, бу ердаги ўлкашунослик музейи экспозициясига шу мамонт тиши қўшилди.

МАШИНА ДЕТАЛЛАРИНИ ИЗЛАБ... ЧЎЛГА

◆ УРМОНЧИ Абдулла Йўлдошев ғалати бир буюртмани бажарди: Марказий Фарғона чўлидан Наманган атлас комбинатига... пиллакашлик машина деталларини келтирди.

Абдулла ва унинг ўрмончи ўртоқлари чўлда ўсадиган гулсафсар илдизини тайёрловчи моҳир усталардир. Қалин ва пишиқ супургидек сершоҳ гулсафсар илдизини бирдан ўсадиган гулсафсар билан алмаштирмангмикан!? Ҳар бир гулсафсар илдизини бошқа бирон нарса билан алмаштириш ҳали натижа бергани йўқ. Наманган атлас комбинатининг бир ўзигина ҳар йили бир ярим тонна гулсафсар илдизи ишлатади. Йўлдошев бригадаси Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжондаги, Россия Федерацияси шаҳарларидаги бошқа кўп пиллакашлик корхоналарига ҳам илдиз жўнатиб туради.

Редактор Н. НАСИМОВ.

АТЕИСТИК МАВЗУДА

БИТТА «КУФ-СУФ»—10 СЎМ...

...У кўзларини юмганча алланималарни пичирлади, қандайдир дуолар ўқиди, сўнгра уйқусизлик ҳамда йиғидан кўзлари қизариб кетган, энтикиб-энтикиб нафас олаётган боланинг оёқ-қўлларини силади-да, «куф-суф» деб юзига фотиҳа тортди.

— Боравергиз, илло набирангиз энди хасталик нималигини билмайди. Вужудини қамраб олган инсу-жинсларни ҳайдаб чиқардим, — деди Пари пиёладаги сув ҳамда тиззасидаги пахталарни хонтахта устига қўяркан.

— Илоҳим, айтганингиз келсин.

Кампир миннатдорчилик билан ўн сўмни Роҳат фолбин қўлига тутқазиб, ўрнидан қўзғолди. Шу пайт бирдан тинчиган набира яна ғиншиб бошлади.

— Бас-бас, онагинам, — юпатган бўлди набирасини аёл. — Отин ойинг айтдиларку, энди опоқ бўлиб кетасан деб...

Аммо жажжи Назиранинг йиғиси кўчада ҳам, уйда ҳам тинмасди. Шу пайт онаизорини кўргани шифокор қизи келиб қолди-ю, кампирнинг чеҳраси бироз очилди. Воқеани ётиғи билан унга тушунтирди.

— Қаттиқ шамоллатибсиз — қойиган бўлди уни шифокор. — Зудлик билан касалхонага ётқизиш керак, Фолбин, отин — бу нимаси ойижон?..

— Энди «нахлос-ҳалос» деганларидек, қизим, — гудранди кампир.

Хўш, айрим содда, тушунчаси тор, «куф-суф» билан «сувни тескари оқизадиган», беморларнинг ҳар бир дардита «шифо бахш этадиган» бу Пари лақабли «нафаси ўткир» Роҳат фолбин ким бўлди, ўзи?

Пойтахтимизнинг Куйбишев районидаги Гулсанам кўчасида истиқомат қилувчи Роҳатой Аҳбарова соппа-соғ, бардам, тетик. Лекин умри бино бўлиб, бирор корхонада ишламаган, на жамиятга, на эл-улусга сариқ чақалик фойда келтирмаган. Дуогўйлик, фолбинлик билан бошқалар ҳисобига яшаб келаётган бир кимса. У фақат фолбин сифатида эмас, балки «иссиқ-совуқ»да, «дами ўткир»ликда ҳам «шуҳрат» қозонган. Ўзининг айтишича беоқибат фарзандни ота-онага, келинни қайнонага, йиллаб юз кўрмас бўлиб кетган қариндош-уруғларни бир-бирларига «ситиб» бериш қўлидан келармиш. Айниқса рашкчи аёлларнинг унга ихлоси баланд эмиш.

Фолбин ҳузуридан чиққан «С» исмли аёл билан суҳбатлашамиз:

— Кейинги пайтда турмуш ўртоғим ичкиликка ружу қилди, оёқ олиши ўзгарди, ўйга кеч қайтадиган одат чиқарди. Қўшнилардан Роҳат фолбининг таърифини эшитиб нажот излаб бордим. Олдида ярим пиёла сув, сувга думалоқ шаклда пахта солинган. Фолбин воқеани суриштира бошлади. Бор гапни айтдим. У қандайдир дуоларни ўқий бошлади. Кейин даб-дурустдан «Эрингиз бузилган, уни қайтариш керак», — деди ва чой, қанд, турмуш ўртоғимнинг кўйлак, рўмолча, ички кийимларини олиб келишимни буюрди. Айтганларини бекаму-кўст бажардим. Аммо натижаси сезилмаяпти — эримда менга, оиламизга нисбатан ўзгариш бўлмади, аҳвол ўша-ўша. Эссиз беҳуда кетган вақт, пуллар...

Бундай фолбин эшигига бўзчининг моккисидек қатнайвериб, оқибатда тоқати тоқ бўлган, алданган ва лақиллаган аёллар биргина у эмас. Афсуски, баъзи опа-сингил ва онаҳонларимиз унинг тузоғига осонгина илинишяпти.

Лекин масаланинг бошқа томони бизни таажжубга солади: оқ-қорани таниган кўнгилчўшилар, олий маълумотли қўёв, қолаверса, А. Қўрғонбоев раислик қилувчи маҳалла комитети аъзолари фирибгарлик йўли билан бидъатни тарғиб этувчи, соддадил одамларни алдаб текин пул орттираётган бу отиннинг кирдикорларига нега холис томошабин бўлиб туришибдикин? Ахир унинг қилмишлари ғирт ёлғондан иборат-ку?!

Ёки улар ҳам «дуога шак келтиришдан қўрқиб» отинга ихлос билан қўл бериб эътиқод қўйишганмикин?

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ТАБИАТ ВА ИНСОН.

«ДАРЁ ЙЎЛБАРСИ»НИ БИЛАСИЗМИ?

Дам олиш кунида Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг мастери Анвар Галиасқаров билан Чирчиқ дарёсининг Олмазор станцияси яқинида балиқ овлашга аҳд қилдик. Манзилга эрта тонгда етиб келиндик. Соҳил тинч ва сокин. Фақат аҳён-аҳёнда балиқчи қушларнинг овози эшитилиб қолади. Қармоқларни созлаб сувга ташладик. Кўп ўтмай шеригим қармоғига сазан илинди. Бир оздан сўнг менинг ҳам омадим юришди.

Тушга яқин ов анча сусайди, бекорчиликдан сувга термулиб ўтираман-у, у ердаги ҳаёт биз ўйлаганча сокин эмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қиламан.

Нигоҳимни сув тубидаги балиқчалар тўдаси тортди. Улар зич ҳолда сузиб борар, ортида эса катта илонбалиқнинг қоп-қора бели кўриниб турарди.

Илонбалиқ йиртқич, айниқса, миттичаларнинг қушандаси. Бу ҳаммага маълум. Лекин таажжубки, у бирорта ҳам балиқчани безовта қилмас эди. Бу воқеа мени қизиқтириб қолди ва овдан қайтгач, кўрган-кечирганларимни Ўзбекистон сув ҳавзалари балиқ запасларини мумқофаза қилиш, кўпайтириб туриш ва балиқ овини бошқариб бориш бошқармасининг бошлиғи Б. Тешабоев билан ўртоқлашдим:

— Балиқчилар, илонбалиқни чаққон ҳаракат қилиши, кескин ҳужумга ўтиши ва очкўзлик учун «тирик торпедо» ёки «дарё йўлбарси» деб аташади. Бу балиқ очиқ ҳавода ҳам нафас олади, суввсиз 5 соатдан кўпроқ яшаши мумкин, қуруқликда судралади ҳам. Ҳар йили май ойида сув ҳавзасининг тинч жойларида, қамишлар орасидан саёз жой топиб, ўт-ўланлар орасидан энига бир ярим метр келадиган ин қуради. Уруғчи балиқ 8 минга яқин йирик, саргиш икра қўяди. Икки-уч кундан сўнг личинкалар, ундан кейин эса майда балиқчалар пайдо бўлиб, бир ҳафта мобайнида улар ота-оналари назоратида яшайди. Гарчи илонбалиқни «дарё йўлбарси» дейишса-да, у ҳам ўз фарзандларини меҳрибонлик билан катта қилади.

М. МАХМУТОВ.

СПОРТ

ЯНА МАҒЛУБИЯТ

Олий лига командалари ўтган шанба куни 16 тур ўйинларини ўтказишди. «Пахтакор» Киевда «Динамо» билан ўйнаб, 0:1 ҳисобида енгилди. Шу турнинг қолган натижалари билан танишинг. ЦСКА — «Днепр» — 1:1, «Динамо» (Тбилиси) — «Спартак» — 3:1, «Кубань» — «Шахтёр» — 1:0, «Арарат» — «Динамо» (Москва) — 2:2, «Черноморец» — «Қайрат» — 1:1, «Динамо» (Минск) — «Нефтчи» — 3:1, «Зенит» — «Торпедо» (Кутаиси) — 1:0.

Футболчиларимиз навбатдаги учрашувларни 23 июль куни ўз майдонларида «Зенит» ва 27 июль куни Минск динамочилари билан ўтказишади. Бу ўйинлар билан тошкентликлар биринчи даврага якун ясайдилар.

ЕШЛАРНИНГ БЕЛЛАШУВЛАРИ

● БАДИЙ ГИМНАСТИКА. Тошкентлик Венера Зарипова мусобақанинг учинчи куни булавалар билан машқ қилишда 9,5 ва лента билан бўлган баҳсда 9,6 балл тўплаб, кўпкурашда 47,6 балл билан чемпионлик унвонига муяссар бўлди. У яқин рақиби литвалик Даля Куткайтени 0,2 балл орқада қолдирди.

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Наталья Лисовская ядрони 19 метр 25 сантиметр марра улоқтириб, ёшлар ўйинларининг чемпиони бўлди. Сергей Шкирдов найзани 79 метр 44 сантиметрга улоқтириб, кумуш медалга, Любовь Кирюхина эса 800 метрга югуришда бронза медалига сазовор бўлди. Яна икки вакилимиз Абдураҳмон Иброҳимов билан Олег Азизмуродовлар уч хатлаб ва баландликка сакраш турларида командамизга бронза медали олиб беришди.

● СУВ ПОЛОСИ. Олмаотада программанинг бу тури бахслари бўйича ўтказилган беллашувларда республикамиз командаси охирги кун Озарбайжон вакилларини 11:10 ҳисобида мағлубиятга учратиб, учинчи ўринни олди.

● САМБО. Бу тур бўйича беллашувлар Минск шаҳрида давом этмоқда. Тўлқин Аҳмедов ва Омонилла Валиевлар ўз вазнларида учинчи ўринни эгаллашди.

● ШАХМАТ. Москва — Ўзбекистон учрашуви 2,5:2,5 ҳисобида дуранг бўлиб турибди. Иккита ўйин кечиктирилди. Кеча командамиз Ленинград вакиллари билан учрашдилар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

22, 23 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 да
М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА:
ЭСТРАДА ТОМОШАСИ.
ИККИ БЎЛИМДАН ИБОРАТ ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН «АЙТСАМ ТИЛИМ, АЙТМАСАМ ДИЛИМ КУЯДИ»
Сценарий муаллифи — Шерқўзи ҒОЗИЕВ.
ҚАТНАШАДИЛАР:
Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕЛИЗИЕВ, Ўсар ЮСУПОВ, Нонла НУРМУҲАМЕДОВА, Санобар РАҲИМОВА, Розия НАЗАРОВА, Шарофат ЙЎЛДОШЕВА, Аъзам ҒОЗИЕВ.
VI ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИНИНГ ЛАУРЕАТИ
Акбар ЙЎЛДОШЕВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани — Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин Омонов олиб борадилар.
«ХАНДА» ансамблининг бадиий раҳбари — Шерқўзи ҒОЗИЕВ.
Музика раҳбари — Рустам МАМАТМУРОДОВ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

6 АВГУСТДАН БОШЛАБ
ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
ЦИРК САНЪАТИНИНГ ЯНГИ АСАРИ

«РУСЛАН ВА ЛЮДМИЛА»

ПАНТОМИМА-ФЕЕРИЯ

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари соат 16.00 ва 19.30 да, якшанба кунлари эса соат 13.00, 16.00 ва 19.30 да бошланади.
Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.
Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.
Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.
44-35-91, 44-35-84 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

23 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 да
СССР биринчилиги учун
«ЗЕНИТ» (Ленинград) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ • ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ • ЎзССР

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

СССР 50 ИЙЛЛИГИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИГА

токарлар, фрезерчилар, ҳайдовчилар, электриклар, электрнайвандчилар, темирчилар, силлиқловчилар, бурғиловчилар, йиғувчи-слесарлар, қолипловчилар, кранчилар, ремонтчи-слесарлар, созловчилар, юкчилар, турли ишчилар.

Касби бўлмаган шахслар завод цехларида касб ўрганиши ва ўзлаштириши мумкин. Ўрганиш вақтида ўқувчилик маошидан ташқари амалда бажарган иши учун қўшимча ҳақ тўланади.

Ёлғизлар учун ётоқхона берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 434-уй, 1-хона. Телефон: 69-83-10.

Телевидение

БУГУН

МТ-I. 9.00 — Время. 9.40— Халқаро конкурс лауреати В. Хунцария чалади. 9.50 — К. Симонов. Рус кишилари. ССР Иттифоқи Давлат академик Малий театрининг фильм-спектакли. 12.35 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Литва телевидение студияси ҳужжатли фильмлар программаси. «Клайпеда», «Каунас расмлар галереяси». 16.05 — Болалар учун фильм. «Зимородок». 17.30— Колумбия миллий балети артистларининг концерти. 18.05 — Сенинг ленинча кутубхонанг. В. И. Ленин. «Оз бўлсин-у соз бўлсин». 18.35 — Д. Кабалевский. С. Маршак таржимасида Шекспирнинг 10 та сонети УССР халқ артисти А. Бойко куйлайди. Одессадан олиб кўрсатилади. 19.00 — Расмларда куёш акси бор. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — П. И. Чайковский номли VII халқаро конкурс жюри аъзоларининг чиқиши. Кўрсатувни Социалистик Меҳнат Қаҳрамони СССР халқ артисти Т. Н. Хренников олиб боради. 20.10 — Экранда кинокомедия. «Биринчи қўлқоп». 21.30 — Время. 22.05 — Останкино концерт студиясида С. Наровчатов поэзияси кечаси. 23.45— Дунё воқеалари.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Мультфильмлар программаси. «Тойчоқ», «Қўзиқоринлар қандай қилиб нўхот билан жанг қилишди». 9.50 — «Мирний». Телевизион ҳужжатли фильм. 10.15 — «Звездочет». Телевизион журнал. 11.00 — Усмирлар ижоди. 11.30 — Француз тили. Икки йил шуғулланаётганлар учун. 11.55 — Болалар учун фильм. «Бронза қуш». 1 ва 2-сериялари. 14.05 — Давлат Марказий концерт залида совет қўшиқларидан концерт. 15.25 — Ёзувчи Николай Бирюков. 15.55 — Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. Кишинёвдан олиб кўрсатилади. 16.40 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Кабарда-Болқар АССР. «Кабардинка» Давлат ракс ансамблининг концерти. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. Озиқ-овқат программаси—умумхалқ иши. 20.30 —Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар. 20.45 — Халқаро панорама. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Москва) — Киевдан олиб кўрсатилади.

ЎзТВ-I. 11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Қувноқ камалак. Фильм-концерт. 12.00 — Абитуриентлар учун. Иншони қандай ёзиш керак. 12.30 — Тил ҳақида афсона. 1-фильм. «Класс кули». 1-серия. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — «Соябон». Мультфильм. 18.10 — Шоирлар болаларга. 18.40 — «Абитуриент-82». В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети. (рус). 19.10 —СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига—60 зарбдор ҳафта. Тошкент экскаватор заводи тажриба механика заводидан репортаж. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Адабий альманах. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Қ. Юсупов концерти. 21.30 — Время. 22.05 — Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси. 22.35 — Тил ҳақида афсона. 1-фильм. «Класс кули». 2-серия. 23.50 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 18.05 — Кўрсатувлар программаси. 18.10 — Абитуриентлар учун. Химия. 18.40 — Болалар учун фильм. «Браконьерларни овловчи». 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. Совет Иттифоқининг шаҳарлари. Кинопрограмма. 21.00 — «Чинор» илмий-оммабоп программа. 21.30 — МТ-II.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар: фельетонлар—334048; 325354, партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиет ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва харбий ватанпарварлик—325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 02102. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1647.